

Xabar

21
(1027)-son

25-may

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

2012 йил —
Мустаҳкам оила йили

Оила тинч — Жамият фаровон



Дарҳақиқат, оила жамиятнинг кичик бир бўлаги, негизи. У қанчалик мустаҳкам, осойишта бўлса, бундай оилада яшовчилар жамиятга шунча кўп фойда келтирадилар — ота-она уйдан хотиржам ҳолда ўзи меҳнат қилаётган корхона ёки ташкилотга бор билим ва кучини сарфлаб, ишда муваффақиятларга эришади, фарзандлар эса меҳнатсевар, элпарвар, юртсевар бўлиб вояга етадилар. Шунинг учун ҳам 2012 йилга Мустаҳкам оила йили дея ном берилди ҳамда шу номга монанд Давлат дастури қабул қилинди. Бугунги кунда ана шу Дастур асосида оилалар фаровонлигини ошириш, ибратли хонадонлар эгалари ҳаёт тажрибасини оммалаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шуниси қувонарлики, ана шундай элга ибрат қилиб кўрсатиш мумкин бўлган оилалар соҳиб ва соҳибалари алоқа тизими корхона ва ташкилотларида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Биз бугун Мустаҳкам оила йили муносабати билан ана шундай ҳаёти, меҳнати, камолга етказган ва етказётган фарзандлари билан бошқаларга намуна бўлгулик инсонлар — “Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонасининг фидойи алоқачилари ҳаёти, чиройли оила барпо этиш, фарзандлар тарбияси борасидаги фикрлари ҳақида хикоя қиламиз.


4-5-бетлар

Сўнги янгилик!

Япониянинг Rohm ярим ўтказгичлар компанияси Осака университети билан ҳамкорликда битта радиоканалда 1,5 Гбит/сония тезликда маълумот узатувчи чип прототиپи устида иш бошлади.

Муаллифлар терагерцли диапазонда ишловчи радиоузатгич қурилманинг афзаллик ва камчиликларига ҳам тўхталиб ўтишди. Афзаллиги — ҳозирги WiFi ёки LTEга нисбатан ўн бараваргача тез ишлаши мумкин, муаммоли жихати эса бу тўқкинлар тарқалиш узунлиги жуда қисқалиги боис бир километрлик масофада узатгичлар ўрнатиш имконияти йўқ даражада.

Шунинг учун ҳам янги ишланмани ёпиқ иншоотларда, масалан, Blu-ray ёки DVD-плеерни телевизорга симсиз улашда ишлатиш каби имкониятлари ўрганилмоқда.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

Компютер дастурлари саноатини ривожлантириш йўлида	2
Электрон декларация — энг яхши лойиҳа	3
Сотрудничество ТУИТ с университетом Webster	6
“Самсунг”нинг муваффақияти, “Нокиа”нинг кулаши, андроид ва бошқалар	11
MATLAB тизимида фойдаланувчи интерфейсини ҳосил қилиш	12
Оилавий спортчилар	15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Jumadan Jumagacha

Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари-2012" спорт ўйинлари республика босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Тантанали маросим катта концерт дастури билан якулланди.

Тошкентдаги Халқаро савдо марказида 22 май куни савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Австрия қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Жорий йилнинг 19 май куни пойтахтимизда "Ўз-Қор Газ Кемикал" қўшма корхонаси ва кредиторлар консорциуми ўртасида газ қазиб олиш ва нефть-кимё мажмуаси соҳасидаги "Сурғил" кони негизда Устпорт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича кредит ва лойиҳа битимлари пакети имзоланди. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 4 миллиард АКШ долларини ташкил этади.

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат бонди "Биз мустақил юрт фарзандларимиз" шiori остида ёшлар фестивали ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу акцияда умумтаълим мактаблари, академик лицейи ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари қатнашди.

Пойтахтимизда демократик ислохотларнинг ошқоралиги ва очиқлигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Нью-Йорк давлат университетида "Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияси: янги тамойиллар шароитида Ўзбекистон тажрибаси" мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. У давлатчилик тараққиётида фуқаролик жамиятининг замонавий ўрни, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар борасида қўлга киритган муваффақиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган "Демократик ислохотлари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг асосий мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан "Дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, давлат бошқаруви органлари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, бизнес ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Компьютер дастурлари саноатини ривожлантириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан яқин келажакда мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантиришнинг аниқ мақсадли йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган Дастурда мамлакатимиз дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича юқори малакали мутахассислар фаолиятини янада рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар назарда тутилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотлар соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари учун берилган солиқ ва боғхона имтиёзлари натижасида эришилган самарадорликни дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган компаниялар сони кўпайиб бораётгани ҳам кўрсатиб турибди. 2005 йилда бундай компаниялар сони қарийб 100тани ташкил этган бўлса, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра улар 235тага етди. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ихтисослашган марказ самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий, ишончли ва хавфсиз миллий ахборот маълумотлар базасини яратиш, ахборот ресурслари ва хиз-



матлари бозорини ривожлантириш, ахборот алмашишнинг электрон шаклига босқичма-босқич ўтишга оид аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бирок, миллий софтвер саноати ҳали энг яхши халқаро амалиёт даражасига қўтарила олгани йўқ. Дастурий таъминот бозори ва унинг экспорт миқдори, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишланмалар сони ҳам етарли даражада эмас.

Тадбир иштирокчилари миллий компьютер дастурлари саноатининг ривожига тўсқинлик қилаётган сабабларни атрофлича муҳокама қилдилар. Иқтисодиётнинг ушбу секто-

рини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақбул моделларини, мамлакатимиз компьютер дастурлари саноатини ривожлантиришни янада рағбатлантириш бўйича тизимли ҳамда комплекс ишларни амалга ошириш учун қонунчилик нуқтаи назаридан

қўрилиши лозим бўлган чора-тадбирларни тақдир қилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Мирзахидов, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи Ф.Умаров, "Мароқанд" унитар корхонаси директори В.Абдуллаев ва бошқалар шулар ҳақида гапирди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикрлар эътиборга олинган ҳолда, дастурий таъминот саноатини ривожлантиришнинг меъриёв-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган тегишли тавсиялар қабул қилинди.

ЎЗА

Навбатдан ташқари пленум

Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Марказий кенгаш раиси Тўлқин Тешабоев Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўқув ишлари бўйича биринчи проректори этиб тайинланиши муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди. Ўз навбатида, ҳозирга қадар ТАТУ биринчи проректори бўлиб ишлаган Холиқ Соатов Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Тадбирда Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева сўзга чиқди ва соҳа қасаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятига тўхталиб, тўпланган иш тажрибасини оммалаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Пленум ишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Мирзахидов қатнашди ва лавозимларга янги тайинланганларга омад тилаб, улар олдида турган муҳим вазифалар ҳусусида сўз юритди.

Ўз мухбиримиз

Ватани севиш формуласи

Шу йил 9 май куни Тошкент шаҳрида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган маросимда оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берар экан, Юртбошимиз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, минтақамиз ва жаҳондаги мавжуд вазиятга доир ўта муҳим гоя ва хулосаларни баён этди.

Ана шу фикрларни халқимиз, аввало, ёшларнинг қалби ва онгига синдириш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотимизда тўпланиб, бу борадаги долзарб вазифаларимизни белгилаб олдик. Биз ёшлар ўтганлар хотирасини доимо ёдда сақлашга, бугунги шиддатли замонда доимо сергак ва хушёр туришга келишиб олдик.

Биз ёшлар миллий истиклол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини, Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" ва "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобларини, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"ни ўқиб-

ўрганиш маънавий ҳаётимизни юксалтиришда бектёс аҳамият касб этишини чуқур англамоғимиз даркор. Маълумки, давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида маънавият соҳасидаги долзарб муаммолар, ёш авлоднинг қалби ва онгини зарарли таъсир ва хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраш масалаларига жуда катта эътибор қаратадилар. Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганар эканмиз, мустақиллигимизга осонликча эришилмаганлигига яна бир бора иқдор бўламиз. "Ўзбекистон" миллий агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси" фильми наъийини китобини янада чуқурроқ ўрганишда бизга амалий ёрдам берди. Фильмни кўриб мустақиллигимиз қийинчилик билан қўлга киритилганини, уни кўз-қорачиғимиздай асрашимиз кераклигини англадик.

Сардорбек АБДУЛЛАЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали
2-босқич талабаси

Электрон декларация — энг яхши лойиҳа

Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган "BEST SOFT UZBEKISTAN 2012" дастурий маҳсулотларнинг миллий кўргазмасида давлат ҳқимлиги ва бошқаруви органлари ҳамда бизнес вакилларига, шунингдек, аҳолининг кенг қатламига республикамиз софтвер индустриясининг ҳозирги ва истиқболли ютуқлари намойиш этилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси "BEST SOFT UZBEKISTAN" кўргазмасининг доимий иштирокчиларидан бирига айланиб бормоқда.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар сони айни вақтда 16тага етиб, улар мунтазам равишда такомиллаштирилиб ва кенгайтирилиб бормоқда. Ана шу излашлар натижасида жорий этилган фукароларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни электрон шаклда тақдим этиш интерактив хизмати Миллий кўргазманинг "2011 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа" номинациясида волиб деб топилиб, махсус соврин билан тақдирланди.

Солиқ декларациясини интернет орқали электрон шаклда топшириш солиқ тўловчи жисмоний шахсларга қатор қулайликлар яратаётгани боис, ундан фойдаланувчилар сони мунтазам ортиб бормоқда.


Ушбу интерактив хизмат турининг афзалликлари тўғрисида сўз борганда, ундан фойдаланаётган солиқ тўловчилар учун солиқ инспекциясига ташриф буюришга эҳтиёж қолмаганлигидан ташқари, декларацияни тўлдирганда айрим арифметик хатоликларга йўл қўйишдан ҳам химояланганлигини таъкидлаш жонз бўлади.

Интернет орқали тақдим этилган солиқ декларацияси электрон рақамли имзо билан тасдиқланганлиги сабабли, маълумотнинг химояланганлиги тўғрисида хавотирланмаса ҳам бўлади.

Кўмитанинг янги технологиялар илмий-ахборот маркази директори Рустам Мустафоқуловнинг таъкидлашича, солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида яқинда тажриба сифатида жорий этилган яна бир янги интерактив хизмат юридик ва жисмоний шахсларга SMS ёрдамида солиқ

қарздорликлари тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Ҳозирча сўров (+99897) 742-48-12 телефон рақамига жўнатилиши лозим, лекин келгусида бу киска — тўрт хонали рақамга ўзгартирилади.

Жорий этилиши кутилаётган истиқболли хизматлардан бири — контрагент тўғрисида маълумот олиш имкониятидир. Масалан, иккита компания бирон-бир шартномани тузиш ниятида. Компания шартноманинг бажарилишига ишонч ҳосил қилиш учун, албатта,



ўзининг бўлажак ҳамкори ҳақида муайян молиявий маълумотга эга бўлиш истагида бўлади. Бу ерда ўзи ҳақидаги маълумотни қай даражада ошқор қилишни хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи хал қилади. Хар иккала тараф Давлат солиқ кўмитасининг www.solix.uz расмий сайтидаги ўзининг шахсий кабинети (электрон хизмат хонаси)да қайси маълумотни қўриш мумкинлигини белгилаб, маълум бир код ёрдамида химоялайди. Сўнг ўзининг ҳамкорига кириш қодини беради ва шу тариқа улар контрагент ҳақидаги маълумот билан танишиши мумкин бўлади.

Софтвер индустриясини ривожлантиришнинг истиқболли Ўзбекистон дастурчилари Миллий форумида ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, форумда дастурий таъминот бозорининг институционал ривожлантирилиши, мазкур фаолият соҳасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, компьютер "қароқчилиги"га қарши кураш, маълумотларни муҳофаза қилишни кучайтириш, дастурий таъминотни ўзбек тилига ўгириш, софтвер соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

solix.uz

Инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилояти ахборот-кутубхона марказининг ҳуқуқий-ахборот сектори ва вилоят прокуратура-си, адлия бошқармаси, ички ишлар бошқармаси, НДПИ қопшдаги 1-академик лицей ҳамкорлигида "Инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатини академик лицей директори Фахриддин Мухаммадуқов кириш сўзи билан очди. Вилоят прокурори қатта ёрдамчиси Алишер Тешаев "Инсон ҳуқуқларини химоя қилишда прокуратура органларининг роли" мавзусида, вилоят ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ЮТБ қатта инспектори, капитан Собиржон Соатов "Инсон ҳуқуқлари асосий мезон" мавзусида, вилоят адлия бошқармаси ходими Ихтиёр Қўзиёв "Бола ҳуқуқларининг қафолатлари" мавзуларида маърузалар қилишди.

1-академик лицей ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Маърифат САФАРОВА,
АКМ ҳуқуқий-ахборот сектори мудири

Қонунни билган адашмайди

Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган режали текширишлар ҳамда ваколатли органлар билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар давомида жойларда соҳада фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда белгиланган меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилишини таъминлашда йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва қамчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 23 декабрда 1532-рақам билан рўйхатга олинган Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (сотиш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва фойдаланиш тартибига роя қилиш устидан назоратни ташкил қилишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга асосан ҳамкорликда ишлаш бўйича Давлат алоқа инспекцияси ва ваколат-

Тадбирлар натижасида уч нафар жисмоний шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди ва давлат бюджетига 943800 сўм миқдорида жарима ундирилди.

ли органлар томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, Тошкент шаҳри ҳудудида радиоочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича 2012 йил I чорак давомида Электромагнит мослашув маркази ва ваколатли органлар билан ҳамкорликда бешта тадбир ўтказилди. Тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексининг 152-моддаси, 1-бандига асосан уч нафар жисмоний шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди ва давлат бюджетига 943800 сўм миқдорида жарима ундирилди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарларга содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг

моддий ва маънавий оқибатлари ҳамда уларнинг олдини олиш ва Электромагнит мослашув марказининг радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш, қуриш, лойиҳалаш, четдан олиб келиш, сотиб олиш ва ўрнатиш ҳуқуқини берувчи тегишли рухсатномаларини расмийлаштириш зарурлиги юзасидан тушунтиришлар берилди.

Тошкент шаҳрида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тегишли фаолият турлари ҳамда хизматлар кўрсатиш бўйича хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаб ва шартларининг бажарилишини таъминлаш ва мазкур фаолият турларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциясининг доимий назоратига олинган. Жамиятда қонун устуворлигининг мавжудлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаш фукароларнинг истемолчи сифатида хизматлардан қониқши ва қонун устуворлигига бўйсуниб яшашига, соҳада хизмат қилаётганларнинг эса ўз фукаролик бурчларини қонун ва қонунийлик доирасида адо этишларига хизмат қилади.

Р.ИБРОҲИМОВ,
Тошкент шаҳар
Давлат алоқа инспекцияси
қатта инспектори

Бахт кошонаси

Насиба серфарзанд оилада вояга етди. Турғувбой ака тилаб олган ўғли ва етти кизини халол нон едириб катта қилди. Оила бекаси Саодат ая турмуш ўртоғининг тошанига қаноат қилиб, уни тежамкорлик билан сарфлайдиган, эрини пир даражасида ҳурмат қиладиган аёл эди (Аллоҳ уларни ўз раҳматига олсин). Оилада ота ўз ўрнини эгалламагунча овқатга қўл урилмас, отанинг руҳсатисиз ҳеч ким ҳеч қайсқа бормас эди.

Турғувбой отанинг оқ фотиҳаси Насибахонга қанот бўлиб, Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирди. Ўқиш давомида ҳамсабоғи Ботиржон билан ораларидаги дўстлик муҳаббатга айланди ва олийгоҳини битириб, улар турмуш қуришди.

— Тақдирни қараг-ки, яна серфарзанд оилага келин бўлиб тушдим, — дейди "ЭМММ" ДУК директори ўрин-

босари Насибахон ИСМОИЛОВА. — Қўшалоқ қайнота ва қўш қайнона кўнглини олишим, оила юмушларини бекаму кўст бажаришим, ишимга ҳам улгуришим (у вақтда Н.Исмоилова Ўзбекистон алоқа вазирлигида масъул вазифада ишларди) керак эди. Буларни эплаб кетишимда аввало турмуш ўртоғим, қолаверса, қайнонам Саодатхон ая яқиндан ёрдам беришди. Қийналган пайтларимда отанинг "Борган жойингиз сизнинг ҳақиқий уйингиз, ўша ерга меҳр қўйинглар", онаминг эса "Эр — ярим пир дегани, ҳеч қачон эрингни ранжитма" деган сўзлари эсимга тушар ва камоли эҳтиром билан оиламадагилар кўнглига йўл топишга ҳаракат қилардим.

Орадан ўтган йиллар "Алоқанвест" ДУК бош директори Ботиржон ҳамда Насибахонлар учун меҳнатда ва оилада тобланиш йиллари бўлди. Бугун уларнинг ўзи қайнота ва қайнона, қатор

невраларнинг бобо ва бувиси. Ўғиллари Бобуржон "Элиткарт" хусусий корхонаси директори бўлса, келини Камолахон аёллар касалликлари шифокори. Қизлари Нодирахон "Ўзбектелеком" АК "Uzonline" филиали Миробод тумани бўлими офис менежери бўлса, куёви Қахрамонжон тадбиркор. Бекзоджон Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчиси. Орауси келажакда оила анъанасини давом эттирган ҳолда алоқачи бўлиш.

Бизнинг "Оила мустақкам бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак?" деган саволимизга Насиба Исмоилова шундай жавоб берди:

— Халқимизда "Чиққан қиз чигирикдан ташқари" деган мақол бор. Демак,



келинларимиз тушган жойларига меҳр қўйишлари, оила аъзоларини ўз яқинлари деб билишлари керак. Қайноналар ҳам келинни ўз фарзандидай кўрмоғи лозим. Камолахонни келин қилишимда алоқачиларга дўхтир, албатта, зарур дегандим. Ҳозиргача уни ўзимнинг дўхтир кизим дея эрқалатаман. Агар оилада ҳамжихатлик бўлар экан, у ўз-ўзидан мустақкам бўлаверди.

Оила соғлом экан —
жамият мустақкам,
жамият мустақкам экан —
мамлакат барқарор.

Ислом КАРИМОВ

Оила тинч

Ҳурматда ҳикмат кўп

Насибахон АСИЛОВА фуқаро муҳофазаси бўйича 2-тоифали муҳандис бўлиб ишлайди. Унинг корхонада ўзига яраша ҳурмати бор. Бунга у масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ишлаши ҳамда намунали оиласи туфайли сазовор бўлган.

Унинг Ўзбекистон Миллий университети қошидаги амалий илмий-тектириш институтида катта илмий ходим бўлиб ишловчи Талъатбек Асиров билан бирга умргузаронлик қилаётганларига 30 йилдан ошди. Бу давр мобайнида улар ишда ютуқларга эришиш билан бирга, уч нафар гўзал кизларини хаёли, ақлли, маданиятли қилиб вояга етказишди. Турли олий ўқув юртларида ўқитишди, турмушга беришди.

Бугунги кунда Наргиза келинликни қойиллата туриб, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети магистратура босқичида ўқишни давом эттираётган бўлса, Мафтуна Тошкент ахборот технологиялари университетида тахсил олиш билан бирга, қайнота-қайнона хизматини сизидилдан бажарилти. Тошкент хореография олий мактаби талабаси Чаросхон севган йигити Музаффар билан тўйга тайёрланишгапти. Музаффар ҳам боқалари Акмал ҳамда Жаҳонгирлар каби билимли, ақлли йигит.

— Ҳурматда ҳикмат кўп, — дейди Насибахон. — Эл орасида эътиборли Асировлар хонадонига келин бўлиб тушар эканман, оилада ўта маданиятли, зиёли одамлар яшашига амин бўлдим. Қайнотам Саидхамд ота мактабда математика фанидан 50 йилдан ортиқ дарс берганлар. Биргина маош билан беш киз, беш ўғилни вояга етказганлар. Фарзандлар тарбиясида қайнонам Гулжаҳон аянинг хизматлари улкан. Улар фарзандларини ўқитиб, олий маълумотли қилишган. Биз, келинларга бир оғиз қаттиқ гапиришмаган. Мен оила тутишни, ён-атрофдагиларга муносабатни, болалар тарбиясини улардан ўргандим. Бир умрга улардан миннатдорман.

Ҳа, бу турмуш ўртоғининг ота-онасига ҳурмат билан муносабатда бўлиб, ўзи ҳам иззат кўраётган келиннинг дил сўзлари эди.

Насибахон оила мустақкамлиги борасида қуйидаги фикрларни билдирди:

— Ҳаёт ҳеч қачон бир текис бўлмайди. Яхши ва ёмон кунлар ёнма-ён юради. Кимки бориға шукр қилиб, йўғига чидаса, ёتىқдошини тушуниб яшаса яхши кунларга, албатта, етади.

Бу филиал директори ўринбосари Авазжон ҲОШИМХЎҶАЕВнинг ўз онаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, олий тоифали педагог Дилбар она ҳақидаги дил сўзлари.


Онам омон бўлсинлар!

— Отамиз ёшлигимизда оламдан ўтганлар, — дейди Авазжон. — Онамиз мактабдан оладиган маоши эвазига бизни оқ ювиб, оқ тараб катта қилдилар, ўқитдилар. Аввал ТошДУ ва Тошкент электротехника алоқа институтида, кейинчалик Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабида ўқидим. Дилдорахон билан турмуш қурганимизга 13 йил бўлди. Онам Дилдорани келин эмас, киз ўрнида қабул қилдилар. Ва ҳозиргача она-боладай яшашади.

Дарҳақиқат, оила мустақкамлиги келинга нисбатан катталарнинг муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни Дилбар она ва келини Дилдорахонлар мисолида яққол кўриш мумкин. Қайнона-келиннинг ўзаро яхши муносабати туфайли оилада тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон. Авазжон ўқиб-ишлаб, оддий муҳандисликдан бошлиқ ўринбосари даражасига кўтарилган бўлса, унинг фарзандлари Асилжон, Анорахон ва Адибахонлар катталарнинг меҳр ардоғида вояга етишяпти.

— Асилжонга онасидан ўтган бўлса керак (Дилдоранинг касби дизайнерлик), расм чишига қизиқади. Айни пайтда ёроч ўймакорлигини ўрганишни бошлади. Анора ҳам яхшигина сурат чиши билан бирга сузиш хавзасига қатнашяпти. Шунингдек, улар бувисидан инглиз, онасидан француз тилларини ўрганишяпти.

Ҳа, фарзандлар бизнинг эртанги кунимиз



эгалари. Уларнинг илиқ муҳитда, яхши шароитда яшашлари, соғлом вояга етишлари, бирор касбга қизиқишлари учун имкон яратиб ота-онанинг бурчидир. Бунинг учун эса оила мустақкам бўлмоғи лозим.

— Оила қурган ёшлар фарзандли бўлдим, энди уларнинг зиммасига улкан масъулият юкланади, — дейди А.Ҳошимхўжаев. — Энди улар фарзандини жамиятга наф келтирадиган, ота-онани, атрофдагиларни ҳурмат қиладиган, ақлли, одобли, ўқимишли қилиб тарбиялаш учун бор кучини сарфламоғи лозим. Бу борада буви ва боболарнинг ўрни бўлакча. Биз ота-онамизга чиройли муносабатда бўлар эканмиз, болаларимиз биздан шуни ўрганишади. Шундай экан, фарзанд тарбиясида эътиборли бўлайлик.

Оилавий бахт
гарови эзгулик,
самимийлик,
ҳамфикрликдадир.

Эмил Золя

Раънонинг аҳил оиласи

Етакчи бухгалтер Раъно Якубова хақида гап кетгудай бўлса, хушмуомала, ишига пухта аёл дейишади. Ҳақиқатан ҳам Раънонинг юзида табассум жилваланиб туради. Ички дунёси кўзида акс этиб, меҳрли нигоҳ ташлайди. Мана шу фазилятлари унинг турмуши чиройли ўтишига ҳам сабаб бўляпти.



— Турмуш ўртоғим Тошмуҳаммад ака давр тақозосига биноан Афғонистондаги бемақсад урушда иштирок этган, — дейди Раъно. — Бошидан кўплаб оғир кунларни ўтказган. Сафдош дўстларининг жон таслим қилишларига бир неча бор шохид бўлган. Бундай ҳолатга ҳар қандай одамнинг асаблари дош беролмаслиги аниқ. Бунинг устига касби ҳам масъулиятли — ҳуқуқшу-

нос. Мен эримнинг кайфиятига қараб муомала қиламан. Ва ҳар қандай муаммони хотиржамлик билан ҳал қиламиз.

Раъно оддий касба ишлашса-да, инсон кадрини ҳамма нарсадан юқори қўювчи инсонлар хонадонига келин бўлиб тушди. Қайнотаси Дадажон ака мактабда ўқитувчи, қайнонаси

Тўркиной опа заводда ишчи бўлиб ишлашар, иккиси ҳам келини Раънонинг уйда ўзини бегонадек сезмаслиги учун меҳр кўрсатишарди.

Бундай муносабатнинг кадрига етган Раъно ҳам астойдил келинлик вазифасини бажарди. Уч йил бирга яшашгач, уларни алоҳида чиқаришди.


— Ўша уч йил давомида қайнотам ва қайнонам фарзандларимни катта қилишга яқиндан ёрдам беришди, — дейди Раъно. — Улар ҳозирда ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишган. Давроним ТАТУнинг 2-босқич талабаси. Дониёр эса "ЎзМобайл" филиалида ишлаяпти. Онланинг мустаҳкам бўлиши эса аёл кишига кўп жихатдан боғлиқ. Агар аёл саранжом-сарипта, чаккон ва пазанда бўлса, эрини ҳурмат қилса, турмуш гўзаллашиб бораверади.

Яхши муносабат — маданият белгиси

Гап оилавий муносабатлар хақида кетгудай бўлса, албатта, келиннинг вазифаларига, қайнона-қайнотасига бўлган муомаласига кўпроқ эътибор берилади.

Қарс икки кўлдан, деганларидай куёвнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор бу борада. Йигитнинг ҳам ўз рафиқаси ота-онасига бўлган яхши муносабати унинг тарбияси, маданияти даражасини белгилайди.

Бу корхона Телевидение ва радиоэшиттириш бўлими бошлиғи, икки нафар жажжи қизчаларнинг отаси Ботиржон Холбоевнинг фикрлари.



— Раънохон билан турмуш курганимизга етти йилдан ошди, — дейди Ботиржон. — Бу йиллар ичида бирор байрам йўқки, қайнота ва қайнонамни бориб кўрмаган бўлсам. Ҳар гал борганимда меҳрибон ва хушмуомала қайнонам Инобат опа ҳамда қайнотам Аҳмаджон акалар хурсандчилик билан кутиб олишади, ҳурмат-иззатимни жойига қўйишади. Уларни қанча ҳурмат қилсам арзийди. Қизларига яхши тарбия бериб, ўқитиб узатишган инсонлар улар.

Дарҳақиқат, шундай. Яхши муносабат икки томонлама бўлмоғи лозим. Ботиржоннинг рафиқаси Раънохон ҳам келин бўлиб тушганидан бери ўқимшли ва зиёли, шу билан биргаликда меҳр-оқибатли инсонлар Аваз ака ҳамда Қўтбинисо опаларнинг ҳурматини жойига қўйиб яшайди.

Ўзи эса улар ёрдамида ҳам Қибрай туманидаги Болалар ва ўсмирлар ижодий марказида фаолият юритяпти, ҳам қизлари Дурдона ҳамда Дибраларнинг ҳар томонлама баркамол ўсишларига ҳаракат қилипти. Эр-хотин янги уйларини қуриб битиришларига оз фурсат қолди.

Қаерда аҳиллик бўлса, барака ҳам ўша ерда бўлади, деб шунга айтсалар керак.

ЖАМИЯТ ФАРАВОН

Ҳар кимнинг ўз масъулияти бор

Дарҳақиқат, оила аталмиш кўрғон мустаҳкам бўлиши учун уни бошқарувчи эркакнинг ҳам, эрига вазирлик қилаётган аёлининг ҳам ўзига яраша масъулияти бор. Ҳар ким зиммасидаги вазифани тўлиқ бажарса, рўзгор тебратиш енгиллашади, фарзандлар тарбияси билан шуғулланишга ҳам етарли вақт бўлади.



Корхона бош бухгалтери Мўминжон Расулев оиласида ана шу тартиб жорий қилинган. Оила бекаси, шу корхона иктисодчиси Елена Салтаева саранжом-сарипталикка катта эътибор беради, мазали овқатлар тайёрлаб, болалари тарбияси билан шуғулланади.

— Аёл нозик хилкат, — дейди Мўминжон. — Уни авайламок, доимо ёрдам бермок лозим. Ёшлигимда онам раҳматлининг оила ташвишини бир ўзи тортганларига, бу уларга қанчалик оғир бўлганлигига гувоҳ бўлганман. Отамиз Холик Расулев Иккинчи жаҳон уруши

жанггоҳларидан омон қайтсаларда, олган жароҳатлари панд бериб, кўп ўтмай оламдан ўтганлар. Ўшанда мен икки ёшда бўлганман. Онамиз Мубор ая 2008 йилда вафот этдилар. Ҳаёт пайтларида биз ўғилларига бир неча бор оила тинчлиги эркакларга кўп жихатдан боғлиқ, эрлик вазифангизни тўлиқ бажаринг, дердилар. Онамнинг бу гаплари ҳамон эсимда туради. Фарзандларимнинг ўқиш жойларида

бирор тadbир бўладими ёки устозлари билан учрашиш керакми, ўзим бораман.

Мўминжон ҳамда Елена Викторналар хонадонига икки нафар фарзанд воёга етаяпти. Замира Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўқиётган бўлса, Темур Мирзо Улугбек ахборот технологиялари касб-хунар коллежини битиряпти. Мақсади келажакда мохир алоқачи бўлиш.

"ЭМММ" ДУК техник бўлими бошлиғи Шухратжон Қўчқорбеков ҳамда рафиқаси, бошланғич синф ўқитувчиси Зулфияхонлар хонадонига ана шу ақидага амал қилинади. (Биринчи саҳифадаги суратда.)

— Қуш уясида кўрганини қиладди, деган мақол бежиз пайдо бўлмаган, — дейди Шухратжон. — Болалар жуда тақлидчан бўлишади. Кимки фарзанди келажакда меҳрибон,

Ота-она — андоза

ўқимшли, маданиятли бўлишини истаса, ўзи ҳам шундай бўлмоғи лозим.

Биз Зулфияхон билан анча вақт учрашиб, бир-биримизни синаб, севги-муҳаббат асосида турмуш курганмиз. Шу сабаб ҳаётимиз давомида бир-биримизни тушуниб, ҳурмат қилиб яшаймиз. Тўғри, ҳаётда

кийинчиликлар ҳам бўлади. Лекин эр-хотиннинг мақсади, тушунчаси бир бўлса уни енгил осон кечеди.

Қўчқорбековлар хонадонига бири иккинчисидан ақли, одоби уч нафар фарзанд воёга етаяпти. Келажакда Вестминстер университетига кириш учун пухта тайёргарлик кўраётган Тошкент-молия касб-

хунар коллежи ўқувчиси Сардорбек, Республика хотин-қизлар тиббиёт билим юрти ўқувчиси Адибахон ҳамда кенжатоғи Асадбеклар ота-онасидан меҳнатсеварликни, одамийликни ўрганишмоқда.

Аслида мамлакат ана шундай инсонлар билан гўзал, келажакга эса буюқдир.

Сотрудничество ТУИТ с университетом Webster

В Ташкентском университете информационных технологий подписан Меморандум о взаимопонимании между Ташкентским университетом информационных технологий и Университетом Webster (США).

Меморандумом между двумя университетами достигнута договоренность сотрудничать в области образования и науки по таким направлениям как учреждение новых академических программ для студентов, обмен студентами и аспирантами через международные кампусы университета Webster, обмен научными материалами, публикациями и информацией, проведение совместных исследований и др.

Справочно

Университет Webster находится в Сент-Луисе, штат Миссури, США. Основанный в 1915 году, Webster в настоящее время охватывает сеть местных и международных учреждений, где обучаются около 22000 студентов и аспирантов более 100 национальностей.

С момента открытия своего первого



кампуса за границей в Женеве в 1978 году, Webster стал признанным лидером и новатором в области глобального образования. В настоящее время университет имеет международное присутствие, которое включает кампусы в Лондоне, Вене, Амстердаме и Лейдене (Нидерланды), Шанхае, Шенчжэне и Ченгду (Китай). Университет Webster также имеет образовательные партнерства в Бразилии, Японии, Венгрии, Словакии.

Университет Webster готовит квалифицированных специалистов по различным программам в области информационных технологий, связи, бизнеса, образования и науки.

aci.uz

Все дети достойны любви и внимания

17 мая мы провели акцию во вспомогательной школе-интернате 103 Хамзинского района Ташкента, которая приурочена к 1 июня — Международному дню защиты детей. Этот раз был завершающим в рамках проекта "Подари улыбку детям", который мы разработали на этот учебный год в рамках деятельности "Клуба2009". Акция прошла как всегда успешно, весело, с улыбками и подарками.

Наши студенты — люди очень талантливые и, главное, они хотят делиться ими с детьми, и делают это с удовольствием. Организатором и координатором акции был наш молодой преподаватель — Галиев Тимур. "В этот раз наш круг творческих мастерских расширился за счет того, что в них участвовали не

только члены нашего клуба, — отметил Галлиев Т., — и это очень радует. Хочу от лица всех поблагодарить Асташева Евгения (гр. 225-08 ИТр), Кулжиева Бехзода (гр. С 15-11), Спесивцеву Анну (гр. 225-10 ИТр), Исаеву Камилу — студентку второго курса факультета психологии НУУз. Она проводила совместно со студентами факультета художественной графики ТГПУ им. Низами конкурс рисунка "Люблю тебя, мой Узбекистан!". Я понял, что каждый приход к детям — это праздник для всех нас, праздник доброты и милосердия!"

Л. ЯКОВЕНКО,
ст. преподаватель кафедры
"Философии" ТУИТ

"Билайн" предлагает легкий и доступный роуминг

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) проводит акцию для абонентов, выезжающих за рубеж и пользующихся услугами международного роуминга. До 10 октября у них есть уникальная возможность подключать в роуминг пакеты входящих минут и исходящих SMS.

— Подключив пакеты, наши абоненты могут общаться или отправлять SMS в России, Казахстане, Таджикистане, Грузии, Армении или Кыргызстане до двух раз дешевле. Причем чем больше пакет, тем выгоднее цена, — комментирует событие старший менеджер по связям с общественностью Unitel Ораз Абдуразаков.

Пакеты минут для входящих звонков в роуминге и пакеты исходящих SMS доступны к подключению как на территории Узбекистана, так и за рубежом только для абонентов предоплатной системы расчетов. Срок действия пакетов — 10 дней.

Инвалидность, связанная с качественными новообразованиями (ЗН) уступают по частоте только инвалидности в следствии сердечно-сосудистых заболеваний. В настоящее время наблюдается постоянный рост ЗН.

По прогнозам Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) к началу XXI века даже при среднем уровне онкологической заболеваемости на земном шаре ежегодно будет возникать около 10 млн. новых случаев. Существует глубоко ошибочное мнение, что ЗН неизлечимы, но это неверно. Страх смерти люди автоматически переносят на эту болезнь. Статистические данные показывают, что ЗН уносят меньше жизни, чем инфаркт и сердечно-сосудистые заболевания, но боятся ЗН больше. Многолетними исследованиями доказано, что выявление ЗН в ранней стадии и адекватное лечение обеспечивают длительный и стойкий эффект. При раке молочной железы (РМЖ) 1-степени 5 лет после радикального лечения живут от 83 до 94 % больных, при I-II-A стадии до 90%, II-B до 60%, III-стadium до 45%, III-B 34-46% больных.

Приведенные нами статистические данные убедительно свидетельствуют, что чем раньше диагностирован онкопроцесс и проведено адекватное комплексное лечение, тем прогноз более благоприятный.

Рак молочной железы прочно занимает первое место в ряду ЗН у женщин, более того, в нозологической структуре инвалидности (как первичной, так и вторичной) эта нозологическая единица прочно удерживает "лидирующую" позицию — 1 место. Изложенные данные рисуют "тревожную" картину, вызывают элементы обреченности и панического настроения. Но это далеко не так. Медицинская наука познав механизм

Вопросы ВТЭ при раке молочной железы

образования ЗН разработало целый ряд ставших традиционными и немало новых нетрадиционных методов лечения, позволяющих успешно бороться с этими заболеваниями.

Профилактика и успешная борьба с этим тяжелым недугом невозможна без участия самих пациентов, необходима переориентация их из простого "потребителя" лечебного процесса, в активного и дисциплинированного партнера врача, по спасению своей жизни, которая вполне возможна при сочетании совместных усилий больных и врачей. Для начала необходимо знать:

— огромным числом исследований установлено важная роль факторов внешней среды на развитие ЗН

(канцерогены, рентгеновские и гамма излучения, гипер инсоляция, загрязнение внешней среды и т.д.). По данным ВОЗ в 85-90% случаев в возникновение ЗН у людей повинны химические и физические факторы окружающей среды;

— кроме внешних, имеются внутренние факторы, влияющие на возникновение ЗН. К ним относятся наследственные факторы, гормональные нарушения, дефекты иммунной системы.

— Предрасположенность. Предрасположенность может быть приобретенной и врожденной.

При наличии наследственной предрасположенности к РМЖ рекомендуются следующие меры профилактики:

— резко снизить потребление животных жиров и увеличить потребление зелени, овощей и фруктов бога-

тых витаминами А, С, Е;

— применять профилактические противораковые средства: аскорбиновую кислоту, селен, неоселен, морковный и свекольный соки;

— избегать и уменьшить неблагоприятные, вредные условия труда и быта, воздерживаться от злоупотребления алкоголем и курения;

— при выявлении гормональных нарушений принять все меры для их лечения;

— заниматься аутотренингом.

Подобная профилактика может служить надежным заслоном не только против РМЖ, но и других онкологических заболеваний.

Вопросы социальной трудовой реабилитации больных, леченных с

ЗН, до сих пор остаются недостаточно разработанными, что создает определенные трудности при проведении врачебно-трудовой экспертизы

Многочисленные наблюдения кафедры ВТЭ при хирургических заболеваниях ЛИУВЭК, а также анализ ошибочных решений врачебно-трудовой экспертной комиссии показали, что главными задачами в процессе ВТЭ является оценка общего состояния больных, определение научно обоснованного клинического и трудового прогноза в каждом конкретном случае.

При оценке трудоспособности эксперт должен исходить не из стандартных представлений о "безнадёжности", а из объективных клинических данных и трудового прогноза.

Первоочередной задачей является установление правильного ди-

агноза. Без этого невозможно решение вопроса о трудовых возможностях больной.

Все многочисленные факторы, влияющие на экспертное решение при ЗН, клинический и трудовой прогноз можно объединить в четыре группы.

Общие биологические и социальные факторы

В соответствии с современными концепциями ВТЭ онкологических больных, после проведенного комплекса радикальных лечебных мероприятий необходимо учитывать все выше перечисленные факторы. На основании этих факторов можно составить клинический прогноз на ближайшие 1-2 года, что позволяет правильно определить и трудовой прогноз.

Критерии определения индивидуального прогноза для онкологического больного отсутствуют и его постановка исключительно сложна.

Особенности инвалидности при ЗН является её тяжесть (1-гр 33,3%, 2-гр 60,3%, 3-гр только 6,4%) при первичном освидетельствовании) и низкий % реабилитации.


У больных с благоприятным клиническим прогнозом при РМЖ, стойкого ограничения трудоспособности, как правило, не наступает. Эти больные по окончании лечения по не трудоспособности в последующем направляются в ВТЭК только для рационального трудоустройства или наличия анатомического дефекта, с определением им, как правило, 3-группы инвалидности.

В случаи длительного отсутствия метастазов и рецидивов после радикально проведенного лечения при ВТЭ на первый план помимо общего состояния оценки больной входят осложнения и последствия проведенного лечения.

С. НАГАЙ,
врач онколог-эксперт,
кандидат наук

Хабар +tv

ДУШАНБА — 28 МАЙ



5.55 Қўрағуллар дастури.
6.00 Ассалом, Ўзбекистон!
7.00 "Олам на олам" дастури: Табиат муъжизалари.
7.15 "Иқлим".
7.20 "Кўнгли қўнқиб истайди".
7.30 "Ўй қомушлари", Т/с.
8.00 "Аҳборот".
8.40 - 9.45 "Миниватинг" дастури.
9.45 "Меню қўлар".
10.00 "Минг бир ривож".
10.05 "Зиё студияси: Этнохид мутолаамати бўлиди".
10.25 "Иқлим на қонди".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Аҳборот".
11.10 "Жажиқ Дорринг", Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
12.50 "Кўнгли қўнқиб истайди".
13.00 "Ватанпарвар".
13.40 "Рағзини дунё".
14.00 "Аҳборот".
14.15 "Экзит бланг: одам савдои давом этмоқда".
14.30 Миллий кино: "Қайтасан, Ойнам".
15.50 "Иқлим".
15.55 "Эн тилғини йўлида".
16.10 "Эртасиз - юқинишқа етасиз".
16.40 "Ўзбекистон табиати".
17.00 "Аҳборот".
17.10 "Қирол Сегоун", Т/с.
17.50 "Иқлим".
18.00 "Кўнгли қўнқиб истайди".
18.10 "Истиқлол фарзандлари".
18.25 "Иқлим дуню", Т/с.
19.00 "ТВ - шифоқор".
19.25, 20.00, 20.55 Ўйнақор.
19.30 "Аҳборот" /рус/.
20.00 "Ситтин мерк".
20.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
21.00 "Аҳборот".
21.20 "Мен ёшловман".
21.55 "Миласангиз мадҳуби", Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Жажиқ Дорринг", Т/с.
23.40 "Олам на олам" дастури: Табиат муъжизалари.
23.55 - 00.00 "Ўн".
00.00 Қўрағуллар дастури.
00.05 "Меню қўлар".
00.15 "Истиқлол фарзандлари".
00.30 "Юртин бўлиб" дастури: Ўзбекистон мониторингори.
00.50 "Кўнгли қўнқиб истайди".
1.00 "Аҳборот" /рус/.
1.30 - 2.35 "Миниватинг" дастури.
2.35 "Иқлим".
2.40 "Мен ёшловман".
2.55 "Ситтин мерк".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Аҳборот".
4.40 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Ўзбекистон табиати".
5.50 - 5.55 "Ўн"



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ўнунгмас оғанлар".
7.00 "Мултинворонам".
7.20 "Ўн-Йўлбай".
7.50 "Ешдик наволари".
8.10 "Спарт Лигта", Б/ф.
8.30 "Қўриқчилик-оқиқчилик".
10.00 "Ўнунгмас оғанлар".
10.30 "Ўнунгмас оғанлар", Т/с.
11.10 "Қамолот-инфо".
11.20 "Соғом оғна".
11.30 "Қўриқчилик", Т/с.
12.50 "Ўнунгмас оғанлар".
13.00 "Давр".
13.10 "Ешдик наволари".
13.30 "Сунмас сени", Т/с.
14.10 "Мултинворонам".
14.40 "Боғлар илҳами".
14.50 "Дарсон ва ҳақиди".
15.10 "Само жағит", Т/с.
16.00 "Давр".

16.10 Миллий сериал: "Меҳмонқоналардан айтилар".
16.50 "Ўнунгмас оғанлар".
17.10 "Ўн, спарт".
17.30 "Ўнунгмас оғанлар", Б/ф. 1-қисм.
18.30 "Дунё бўйлаб".
18.50 "Ўнунгмас оғанлар".
19.00 "Давр".
19.30 "Сунмас сени", Т/с.
20.10 "Ўнунгмас оғанлар".
20.40 "Ўнунгмас оғанлар".
20.50 "Ўнунгмас оғанлар", Т/с.
21.00 "Ешдик наволари".
22.00 "Давр".
22.30 "Қўриқчилик", Т/с.
23.30 "Ўнунгмас оғанлар".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ешдик наволари".
00.30 "Само жағит", Т/с.
1.20 "Аёл тақдир".
2.00 "Давр".
2.30 Миллий сериал: "Меҳмонқоналардан айтилар".
3.10 "Ўнунгмас оғанлар".
3.50 "Самурайлик ситтин мерк", Б/ф.
5.00-6.00 "Муъжизали дунё".



6.00 Қўрағуллар тартиби.
6.05 "Ўнунгмас оғанлар", Б/ф.
7.30 "Салом, Тошкент".
7.30 Тошкент тароналари.
8.45 "Қонун доираси".
9.00 "Ҳақиқат бўғини".
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аўқашон".
9.30 "Поитак".
9.40 "Бироз - пойтак".
9.45 "Иқлим".
10.15 Камер орсертининг концерти.
10.30 "Поитак", /рус/.
10.40 "Ўнунгмас оғанлар".
10.45 "Сабрина", Б/ф.
12.45 "Тенгшар".
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё", теледастури.
15.00 "Поитак".
15.15 "Ўнунгмас оғанлар", Т/с. 209-қисм.
15.30 "Ўнунгмас оғанлар".
15.50 "Эко-пойтак".
16.00 Тошкент тароналари.
16.15 "Ҳақиқат бўғини".
16.45 "Бемби-2", М/ф. 1-қисм.
17.20 "Қасбин-фаршар".
17.40 "Менинг шаҳрим".
18.00 "Поитак".
18.20 "Ўнунгмас оғанлар".
18.30 "Этнохид".
18.50 Миллий сериал: "Ангика кузи".
19.20 "Телекурер-маркет".
19.40 Тошкент тароналари.
19.45 Интеллектуал аўқашон.
20.35 "Бизнес - пойтак".
20.50 "Поитак".
20.50 "Жуми", Т/с. 75-қисм.
21.05 Тошкент тароналари.
21.20 "Интервью".
21.30 "Поитак", /рус/.
21.50 "Телекурер-маркет".
22.00 "Эко-пойтак", /рус/.
22.10 "Кино SMS со звагани".
22.15 "Крәв и чувств", Х/ф.
00.00 Қўрағуллар тартиби.
00.05 "На крочьке", Х/ф.
3.0 "Бсе о турезде".
2.00 "Болшая белая акула", Д/ф.
2.50 "Ўнунгмас оғанлар".
2.55 "Бизнес - пойтак".
3.00 "Сабрина", Б/ф.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент"



6.00 "Ҳайри тон".
6.10 "Саломат бланг".
6.30 "Ҳасур боллар".
7.05 "Инверсия" тариги".
7.25 Боллар майдончаси: Топти гимнастика.

"Спортландия".
Мултинворонам.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.35 "Саломат бланг".
9.00 ИНТЕРВЬЮ.ТБ.ОЛ.
10.45 Аппостел.
11.35 Суанш. Европа чемпионати.
12.55 Рақамлар, нитпақлар, рефтинлар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Боллар майдончаси: "Спортландия".
Мултинворонам.
13.40 "Ринг қироллари".
14.40 "Келажак фарзандлари".
15.10 Теннис. ATP WTA турнири.
16.35 Велоспорт.
18.00 Боллар майдончаси: "Спортландия".
Мултинворонам.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хизиниси.
18.55 "Биркамол алоқ".
19.15 Футбол. "Евро-2012".
19.30 Кураш. Ҳақидо турнир.
20.30 Спорт - маркет".
20.40 "Футбол шарди".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хизиниси.
21.55 Футбол. Улғоқини уртуруши.
23.40 Сешаби дастури анонси.
23.50 Суанш. Европа чемпионати.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 Мотоцикл.
2.05 Футбол. "Евро-2012".
2.25 Велоспорт.
3.45 Теннис. ATP WTA турнири.
5.05 - 5.50 Аппостел.

07.00 09.20 10.30 13.40 15.30 19.50 20.35
09.20 "TVM" наволари
08.10 Сериал "Жемужина Дворца"
09.40 Сериал "Покорение Кейг"
11.30 "Затмение" Х/ф
14.10 Сериал "Жемужина Дворца"
18.10 Премьера.
18.40 Сериал "Жемужина Дворца"
20.00 "Топ-10"
21.10 Сериал "Менталист"
22.00 "ДЕКА ВО" Х/ф
02.00 Фильмы, которые должны увидеть: "Танцовщица в темноте" № 218 по версии "TVM"
04.00-05.00 "Другая музыка": Концерт: River Dance

БИРИНЧИ

04.00 08.05 Телеканал "Доброе утро"
04.00 11.00 14.00 02.00 Новости
08.35 Контрольная акушка
09.00 "Жить здорово!"
10.00 Мошайн приговор
11.15 Т/с "Женский доктор"
12.20 02.30 "Хочу жить"
13.00 Другие новости
13.20 Понять. Просить
14.25 Т/с "Легенды окола"
15.20 "Между нами, девочками"
16.00 "Жизнь"
17.00 Вечерние новости
17.50 "Дважды рожденная"
18.50 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 03.00 Т/с "Люба"
21.25 "Ничита Хрустик. Голос из прошлого"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.50 "Топгер"
23.50 Новые новости

РОССИЯ 1

04.00 Утро России
08.00 "С новым годом!" Ток-шоу
08.45 "О самом главном". Ток-шоу
10.00 13.00 16.00 19.00 Вести
10.30 13.30 16.30 19.30 Вести-Москва
10.50 15.45 03.45 Вести. Дежурная часть
11.00 Т/с "Тайны следствия"

12.00 "Люблю, но могу".
13.50 Т/с "Ефросинья. Таежная любовь".
14.45 Т/с "Кровинушка".
16.50 Т/с "Светы".
17.55 "Гримой эфир"
19.50 Столовой ночи, малыш!
20.00 Т/с "Дорога на остров Паска"
22.45 Вести +
23.05 "Профилактика". Ночное шоу

НТВ

04.55 "НТВ утро".
07.30 Т/с "Легенды".
08.30 14.30 17.30 09.20 Чрезвычайное происшествие.
09.00 12.00 15.00 18.00 Сегодня. Сегодня.
09.55 "До суда".
11.00 Сул приколди.
12.30 Т/с "Пугнина".
15.25 "Прокурорская проверка".
16.40 "Товариш и показывать". Ток-шоу с Леонидом Завальским.
18.30 Т/с "Браты".
20.25 Андрей Смелов в боксике
"Стрельница Ситбабала".
22.15 Сегодняя. Итого.
22.35 Честный понедельник.
23.25 "Школа зловещих"

РОССИЯ 2

05.00 "Все включено"
05.55 "Индустрия кино"
06.50 "В мире животных" с Николаем Дроздовым
07.00 09.00 18.10 00.50 Вести-Спорт
07.10 "Все включено"
08.10 "Моя работа"
08.40 11.25 01.00 ВестиPlus
09.15 "Земля - Воздух"
11.50 "Вопрос времени". Большой мир
11.50 "Местное время. Вести-Спорт"
12.25 "Планета спорт"
12.55 Шоу. Международный турнир "Большой шлем"
14.35 Уроки Стайлс в фильме "Назадик".
16.20 Профессиональный бокс.
18.25 Фильм "Познания авиации - 5"
20.10 Фильм "Познания авиации - 6"
21.45 "Насели спорт"
22.40 "Технологи древних цивилизаций"
23.45 "Нужна 2.0. Большая скачка".
Великие люди науки
00.15 Рейтинг Тимофея Баженова.
Записки пирата
01.15 Top Gen

СТС

06.00 М/ф Т/с "Без слез".
09.00 "Х-Версия. Другие новости".
10.00 17.00 "Парад планетарий".
11.00 Т/с "Городские легенды. Институт Серьбского".
11.30 Х/ф "Все достигаемости".
12.15 "Удари мечом".
16.05 21.00 Т/с "Мистические истории с Виктором Верещагиным".
18.00 Т/с "Твой мир".
19.00 20.00 Т/с "Касьян".
22.00 Т/с "Загадки истории. Остров демонов"
23.00 Х/ф "Саблезубая тварь"

ТВ3

06.00 07.30 12.30 М/с.
07.00 "Патина дождя".
08.00 "Светодор".
08.30 "Молодежь".
09.00 16.40 18.30 18.30 23.40 "6 кадров".
09.30 "Нереальная история". Сатирический альманах.
14.00 Х/ф "Ирони". США, 2000 г.
17.00 "Танго".
19.00 "Вороница".
20.00 "Легенды доктора Зайшева".
21.00 "Закрываю школу". Мистический триллер.
22.00 Х/ф "Киборо".

21 (1027)-son
2012-yil 25-may

Хабар


UZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон'.
7.00 'Олам ва одам' дастури: Табиат муъассалари'.
7.15 'Иқлим'.
7.40 'Кўнги қўшиқ истайди'.
7.50 'Уш кумуллар', Т/с.
8.00 'Ахборот'.
8.40 - 9.40 'Манажинг' дастури.
9.40 'Навойнинг анигли'.
8.45 'Ифтихор'.
10.00 'Сарҳад билмас дўстлик'.
10.15 'ТВ - шифокор'.
10.20 'Маликанинг маҳуби', Т/с.
11.00 'Ахборот'.
11.10 'Жаҳж Доррин', Т/с.
12.00 'Ассалом, Ўзбекистон'.
12.50 'Кўнги қўшиқ истайди'.
13.00 'Ахборот' /инглиз/.
13.10 'Икки дугона', Т/с.
14.00 'Ахборот'.
14.15 'Дунё мансаралари'.
14.35 'Миллий сериал: "Туташ тақдирлар"'.
15.10 'Иқлим'.
15.15 'Жаҳон мусиқаси хазинасида'.
И. Брамс.
16.00 'Тезкор қабарлар'.
16.10 'Эрталаб - хишлолика етказар'.
16.40 'Ўзбекистон тибқи'.
17.00 'Ахборот'.
17.10 'Кирол Секинг' /Т/с.
17.30 'Кўн маъуси'.
18.00 'Кўнги қўшиқ истайди'.
18.10 'Кўнган - дарё'.
18.25 'Иқлим'.
18.30 'Икки дугона', Т/с.
19.20 'Сизнинг адвокатингиз'.
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 'Ахборот' /рус/.
20.05 'Отин мерос'.
20.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
21.00 'Ахборот'.
21.40 'Керемет'.
22.00 'Маликанинг маҳуби', Т/с.
22.45 'Иқлим'.
22.50 'Жаҳж Доррин', Т/с.
23.40 'Олам ва одам' дастури: Табиат муъассалари'.
23.55 - 00.00 'Оқун'.
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 'Кўнган - дарё'.
00.20 'Юртин бўйлаб' дастури: Ўзбекистон халқи'.
00.50 'Кўнги қўшиқ истайди'.
1.00 'Ахборот' /рус/.
1.30 - 2.35 'Манажинг' дастури.
2.35 'Навойнинг анигли'.
2.55 'Отин мерос'.
3.10 'Ассалом, Ўзбекистон'.
4.00 'Ахборот'.
4.40 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
5.15 'Кўн маъуси'.
5.30 'Ўзбекистон табияти'.
5.50 - 5.55 'Оқун'.

6.00 'Ватан меҳри'.
6.10 'Ўғутлимас оҳанглари'.
7.00 'Мультианирама'.
7.30 'Йул-йўлакчи'.
7.50 'Ешлик наволари'.
8.10 'Сўзат Литтл-2'. Б/ф.
9.20 'Қўшма дарё'.
10.00 'Давр'.
10.10 'Ешлар ва тўғлим'.
10.30 'Нозик лаҳзалар', Т/с.
11.10 'Қадим улка достони'.
11.20 'UZEX'.
13.00 'Давр'.
13.10 'Ешлик наволари'.
13.30 'Сўнасев севги', Т/с.
13.40 'Мультианирама'.
14.40 'Болалар илҳому'.
14.50 'Афсона ва ҳақиқат'.
15.10 'Само жанги', Т/с.
16.00 'Давр'.
16.10 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардин айланган".
16.50 'Автопатруль'.
17.10 'Зулфин идолшари'.
17.30 'Зулфин', Б/ф, 2-қисм.
18.30 'Давр маъуси'.
18.50 'UZEX'.

19.00 'Давр'.
19.30 'Сўнасев севги', Т/с.
20.10 'Кинопатруль'.
20.40 'Тинчлик - улғун неъмат'.
20.50 'Нозик лаҳзалар', Т/с.
21.40 'Ешлик наволари'.
22.00 'Давр'.
22.30 'Қўмондон', Т/с.
22.30 'Хўжак'.
22.40 'Ватан меҳри'.
00.10 'Ешлик наволари'.
00.30 'Само жанги', Т/с.
1.20 'Кўрпа ва боқий'.
2.00 'Давр'.
2.30 Миллий сериал: "Меҳмонжонлардин айланган".
3.10 'Парангум'.
3.50 'Самурайнинг сўнги қўлини'.
Б/ф, 2-қисм.
6.05 "Ихлосот одимлари".
6.20 "Жумон". Т/с. 78-қисм.
7.00 "Пошта".
7.30 "Салом, Тошкент!"
8.00 Тошкент тароналари.
8.45 "Ғазал бустони".
8.50 "Икки тақдир". Т/с. 212-қисм.
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пошта".
9.40 Миллий сериал: "Антиқа кўён".
16-қисм.
10.10 Миллий мультифильмлар: "Сумалтак-минг тилас", "Лочин ойи".
10.30 "Пошта". /рус/.
10.40 "Эко-пошта". /рус/.
10.50 "Мақтаба бир кун".
11.15 "Кинотақдим".
11.45 Болалар учун фильм: "Истиқбол".
13.00 "Салом, Тошкент!"
14.00 "Саргузилтар ороли".
14.40 "Қуноқ лақандилар".
15.00 "Эко-пошта".
15.00 "Пошта".
15.15 "Икки тақдир". Т/с. 213-қисм.
15.55 "Бизнинг футбол".
15.55 "Теннислар".
16.00 Тошкент тароналари.
16.15 "Миттнвийлар оиласи".
16.35 Мустанорам ойи йилга: "Ҳилотбағиш".
16.45 "Бозилатим оттин кун".
17.05 Мультисериал: "Чип ва Дейв". 51 қисм.
17.30 "Эрталаб эгалари".
17.45 "Истеълол".
18.00 "Пошта".
18.25 "Ўйларим".
18.30 "Тошкент тароналари".
18.45 "Интеллектуал аукцион".
18.55 Миллий сериал: "Антиқа кўён". 17-қисм.
19.20 "Телекурер-маркет".
19.30 Болалар кўнгли. Боланинг боғовонси бўлмади!". Телемарафон.
21.30 "Пошта". /рус/.
21.50 "Телекурер-маркет".
22.00 "Тошкент тароналари".
22.15 "Интервью".
22.25 "Кино SMS со звеллани".
22.30 Комедия по пиптпшам: "Лысий нивка". Х/ф.
00:00 Қўрағуллар тартиби.
00:05 "Дневники нивия". Х/ф. /Премьера/.
1.45 "Африка". /рус/.
1.55 "Дол сиваине с планетой". Д/ф.
2-қисм. /Премьера/.
2.25 "Все о туризме".
2.55 "Тошкент оқшамлари".
3.25 "Қасбим-фаҳрим".
3.45 Болалар учун фильм: "Иксдор".
5:00-6:00 "Салом, Тошкент!"

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ўзгиримчи оқиндилар".
7.00 "Муқаддас қоғоз".
7.30 "Йўл-йўлакчи".
7.50 "Ешдик наволари".
8.10 "Меншолов". Б/ф.
9.00 "Қўшиқча дарс".
10.00 "Давр".
10.10 "Катта таварфуз".
10.10 "Нозик лаҳзалар". Т/с.
10.10 "До-ми-соли".
10.30 "Болалар табассуми".
11.50 "Қўмондон". Т/с.
12.50 "Соғлом авлод".
13.00 "Давр".
13.10 "Ешдик наволари".
13.30 "Сўмас севин". Т/с.
14.10 "Мультипанорама".
14.40 "Болалар ихоми".
14.50 "Афсона ва ҳақиқат".
15.10 "Само жағит". Т/с.
16.00 "Давр".
16.10 Миллий сериал: "Меҳмонжон айнавий".
16.50 "Соғлом авлод".
17.00 "Қўмуноқ".
17.30 "Катта боланин хоҳдаммай-миси". Б/ф.
18.50 "Баркамол авлод".
19.00 "Давр".
19.30 "Сўмас севин". Т/с.
20.10 "Айланан".

БИРИНЧИ

04.00, 08.05 "Доброғе утро"
08.00, 11.00, 14.00 Новости
08.35 Коғирғонлаа закупка
09.00 "Жит зарово".
10.00 Миллий приговор
11.15 Т/с "Женский доктор"
12.00 "Хочу знать".
13.00 Другие новости
13.20 Поинят. Простить
14.25 Т/с "Девичья охота"
15.20 Между нами, девчонки"
16.00 "Жиз меня".
17.00 Вечерние новости
17.50, 04.00 "Поле чудес"
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 "Фабрика звезд. Россия - Украина".
21.35 Х/ф "Глаз Божий".
23.20 Х/ф "Плохая девчонка".

БИРИНЧИ

04.00, 08.05 "Доброғе утро"
08.00, 11.00, 14.00 Новости
08.35 Коғирғонлаа закупка
09.00 "Жит зарово".
10.00 Миллий приговор
11.15 Т/с "Женский доктор"
12.00 "Хочу знать".
13.00 Другие новости
13.20 Поинят. Простить
14.25 Т/с "Девичья охота"
15.20 Между нами, девчонки"
16.00 "Жиз меня".
17.00 Вечерние новости
17.50, 04.00 "Поле чудес"
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 "Фабрика звезд. Россия - Украина".
21.35 Х/ф "Глаз Божий".
23.20 Х/ф "Плохая девчонка".

1

04.00 Утро России
08.00 Мусулмане
08.10 "С новым домом" Ток-шоу
08.35 "О самом главном". Ток-шоу
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести
10.30, 13.30, 16.30, 19.30 Вести-Москва
10.50, 15.45 Телени Дежурни часть
11.00 Т/с "Тайны следствия"
12.00 "Люблю, но могу".
13.50 Т/с "Евросиния. Табейная любовь".
14.45 Т/с "Кровинушка".
16.50 Т/с "Сны".
17.55 "Прямой эфир".
19.50 Спокойная ночь, малыши!
20.00 Т/с "Дорога на остров Пасхи".
21.45 Х/ф "Сокровище".
23.40 Футбол. Товарищеский матч. Россия - Италия

НТВ

04:55 "НТВ утрон".
05:40 "Бизнинг кўнгли" Оксана Пушкиной. Марк Розовский.
08:30 14:30 17:30 Обозр. Чрезвычайное происшествие.
09:00 12:00 Сегуина.
09:20 Славянки.
09:55 "До суда".
11:00 Суд пришло.
12:25 "Суд пришлохна. Окончательный вердикт".
13:35 "Развод по-русски".
15:00 18:00 Сегуина Сегуина.
15:25 "Прокурорская проверка".
16:40 "Товариш и подкальмак". Ток-шоу с Леонидом Закопанским.
18:30 Х/ф "Наследник" из цикла "Морские львовы. Сульбы-2".
20:30 Документ "Колобошич" из цикла "Следственный комитет".
22:20 "Ветер нашлох в Грозном".
23:20 Х/ф "Шхера 18".

РОССИЯ 2

05:00 "Все включено"
05:55 "24 часа".
07:00 09:00 12:00 18:50 22:55 03:50 Вести-Спорт
07:10 11:50 12:35 "Все включено"
08:10 "Моя планета".
08:40 Вести.ру
09:15 Алек Болдуин в фильме "Тень".
11:15 "Наука 2.0. Программа на будущее". Мир без полезных ископаемых.
13:05 "Удар полевому". Футбольное шоу.
14:20 Стивен Сигал в фильме "Патриот".
16:00 Профессиональный бокс.
19:05 Фильм "Вирс".
20:55 Футбол. Товарищеский матч. Чехия - Венгрия. Прямая трансляция.
23:20 "Планета футбола" Владимира Стогниенко.
23:55 Футбол. Чемпионат Европы-2012. Колдовские сборные. Отборочный турнир. Португалия - Россия. Прямая трансляция.
01:55 Футбол. Товарищеский матч. Австрия - Украина

СТС

06:00 М/ф.
08:00 15:15 Т/с "Без следа".
09:00 Т/с "Гной мир".
10:00 "Параллельный мир". 29 выпуск.
11:00 Д/ф "Эффект Нострадамуса". 4 серия.
12:00 Д/ф "Горькая легенда. Матчевские сиклы Крамского моста".
12:15 Д/ф "Загадки истории. Массоны. Тайная Америка".
13:25 Т/с "Кости".
16:05 Т/с "Мистические истории с Виктором Вербицким". 8 серия.
17:00 "Параллельный мир".
18:00 Х/ф "Чернильное сердце".
20:00 Х/ф "Джек Хантер. Небесная звезда".
22:00 "X-Версии. Другие новости". 3 выпуск.
23:00 Х/ф "Безумия".

ТВЗ

06:00 07:30 12:30 М/с.
07:00 "Патни дочки".
08:00 "Светофор".
08:30 "Монодожденья".
09:00 16:50 18:00 18:30 "6 кадров".
09:30 14:00 "Закрытая школа. Мистический триллер".
10:30 "Дневник доктора Зайцевой". Романтическая комедия.
11:30 "Метод Лавровой". Иронический детектив.
13:00 Х/ф "Пророк".
17:00 "Галлео".
19:00 "Воронины".
21:00 Шоу "Уральских пельменей". "3+ баб".
22:30 "Хорошие шутки".
00:00 "Валера Т/с". Скети-шоу.



SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.10 "Саломат бўло".
6.35 "Военное дело".
7.00 "Ливерпуль тарноа".
7.25 Болалар майдончаси: Тонги тинмаркети.
8.00 "Спортландия". Мультифильм.
8.00 ХАВАРЛАР.
8.10 "Саломат бўло".
8.30 ИнтерФутбол.
10.15 Давола. Халқаро турнир.
11.30 Енгил атлетика. Халқаро турнир.

"Самсунг"нинг муваффақияти, "Нокиа"нинг кулаши, андроид ва бошқалар

Оддий ва "ақли"

Gartner таҳлил компанияси шу ҳафтада жаҳон смартфонлар бозорининг жорий йил биринчи чораги бўйича таҳлилини эълон қилди. Натижалар Samsung компанияси учун қувонарли бўлди. "Ақлли телефон"ларидан 38 млн.тасини сотишга эришган жанубий корейлик ишлаб чиқарувчи кимсан Apple (33,1 млн.)ни орта қолдирди. Умуман олганда, Samsung ва Apple биргалликда жаҳон смартфонлар бозорининг тенг ярмини бошқармоқда.

Яна бир муҳим янгилик — оддий мобил телефонлар сотишда ҳам Samsung азалий етакчи — Nokiani иккинчи поёнага тушириб юборди. Тадқиқотда бозорга қанча маҳсулот етказиб берилгани эмас, балки амалда қанчаси сотилгани эътиборга олинди.

Жаҳон мобил телефонлар бозори*

Компания	2012 й. 1-чорагида сотилган телефонлар сони (млн. дона)	Бозор улуши (%)	2011 й. 1-чорагида сотилган телефонлар сони (млн. дона)	Бозор улуши (%)
Samsung	86,568	20,7	68,782	16,1
Nokia	83,162	19,8	107,556	25,1
Apple	33,120	7,9	16,883	3,9
ZTE	17,439	4,2	10,789	2,5
LG	14,720	3,5	23,997	5,6
Huawei Dewice	10,796	2,6	7,002	1,6
Research in Motion	9,939	2,4	13,004	3,0
Motorola	8,368	2,0	8,789	2,1
Sony Mobile Comm.	7,898	1,9	7,919	1,9
HTC	7,703	1,8	9,313	2,2
Бошқалар	139,393	33,3	153,809	35,9
Жами	419,108	100	437,846	100

*Манба — Gartner (2012 йил, май)

Мобил амалиёт тизимлари

Дунёдаги смартфонларнинг 56,1 фоизда ишлатилаётган Android яқка пешқадам бўлиб турибди. Иккинчи ўриндаги Apple iOS 22,9 фоизлик улушга эга. Қолганларнинг номи бор-у, салмоғи йўқ: жуда кенг оммаланиши кутилган Windows Phone атиги 1,9 фоизлик улуш билан Symbian, RIM ва ҳатто Bada амалиёт тизимларидан орта қолмоқда.

Жаҳон мобил АТ бозори**

Амалиёт тизими	2012 й. 1-чорагида мазкур мобил АТни қўловчи смартфонлар сони (млн. дона)	Бозор улуши (%)	2011 й. 1-чорагида мазкур мобил АТни қўловчи смартфонлар сони (млн. дона)	Бозор улуши (%)
Android	81,067	56,1	36,350	36,4
iOS	33,120	22,9	16,883	16,9
Symbian	12,467	8,6	27,598	27,7
Research in Motion	9,939	6,9	13,004	13
Bada	3,842	2,7	1,862	1,9
Microsoft	2,712	1,9	2,582	2,6
Бошқалар	1,243	0,9	1,495	1,5
Жами	144,392	100	99,775	100

**Манба — Gartner (2012 йил, май)

АТ-хабарлар

Forbes журналининг янги сонидagi мақолалардан бирида алақачон лавозимдан бўшатилиши лозим бўлган жаҳондаги энг йирик корпорациялар раҳбарларидан беш нафари тилган олинган.



Мазкур нохуш рейтингни Microsoft компанияси бош директори Стив Балмер бошқармоқда. Унинг бошчилигида компания уч марта қайта янгиланди, ammo энг масъулиятли лалаларда лойиҳалар омадсизликка учради. 2001-2007 йиллар оралигида компания акциялари ярим баҳосига пасайиб кетди, шу пайтгача эса яна икки барабар қийматини йўқотди.

Шунингдек, Эдварт Ламперт (Sears Holdings), Майк Дюк (Walmart), Жеффри Имелт (General Electric) ва Жон Чамберс (Cisco Systems)лар ҳам "қора рўйхат"га киритилган.

Яқунлаётган ҳафтада оммавий видеопортал — YouTube ўзининг етти йиллигини нишонлади. Унга PayPalнинг собиқ ходимлари асос солишган.



Broadcast Yourself

Маълумки, YouTube ҳозирги кунда Google корпорациясига қарашли бўлиб, унинг блогда хабар берилишича, порталга айна пайтда бир дақиқада ўртача 72 соатлик видео жойлаштирилмоқда. Бир йилда бу 37 млн. 840 минг соатни ташкил этади.

Жаҳон бўйича кунига 4 млрд.дан ортиқ видео, ойига эса 800 млн. фойдаланувчи уч млрд. соатлик видеони мазкур порталда томоша қилишмоқда.

Informa Telecoms and Media компанияси хабар беришича, 2016 йилга бориб мобил маълумотлардан фойдаланиш дунёда ҳозиргидан 10 барабаргача ошиши кутляпти.



Аниқроқ айтганда, ҳозирги йиллик 3,89 трлн. мегабайт мобил трафик 2016 йилда 39,75 трлн. мегабайтга етади.


Шунга қарамадан, мобил алоқа операторларининг даромади бунчалик юксалиш намоён этмайди. 2011 йили операторлар 325,8 млрд. доллар даромад олишган бўлса, 2016 йили бу кўрсаткич 627,5 млрд. доллардан ошмаслигини таҳлиллар ҳам кўрсатиб турибди.

StatCounter таҳлил компанияси маълумот беришича, Google Chrome интернет-браузери ўз тарихида илк мартаба оммавийлик борасида Microsoft Internet Explorerни орта қолдирди. Браузерлар бозорига Chromening улуши 32,76 фоизни, Microsoft IЕнинг улуши 31,94 фоизни ташкил этмоқда.



Хисоблашнинг бошқача тизимини қўловчи Net Applications компанияси маълумотларида эса кўрсаткичлар бошқачарок: унда Chrome Internet Explorer ва Mozilla Firefoxдан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Эҳтиёт бўлинг, янги вирус пайдо бўлди! Trend Micro антивирус компанияси Facebook фойдаланувчиларини огохликка чорламоқда. Чат-дастур орқали тарқалувчи "интернет-чувалчанг" мижозларни бошқа сайт ва ижтимоий тармоқлар учун иловалар кўринишидаги хабарлар билан доғда қолдириши ҳеч гап эмас.



Trend Micro томонидан бу зарарли дастур Stecker-EVL дея таснифланган.

Ҳозирги даврда MATLAB тизимидан жуда кўп илмий-тадқиқот ишларида фойдаланилмоқда. Жумладан, статистик маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш, уларнинг математик моделларини қуриш ва ҳоказо ишларни амалга ошириш мумкин. Шунингдек, маълумотларни визуаллаштириш, графиклар ва диаграммалар қуриш, графикани ҳам текисликда, ҳам фазода қуриш каби мураккаб амалларни бажариш мумкин.


Буларни амалга ошириш учун MATLAB тизимининг стандарт функцияларини билиш етарлидир. Аммо, шундай ҳолатлар бўладики, биз натижани ўзимиз хоҳлаган кўринишда MATLAB тизимидан ташқарида, автоматик равишда олишни хоҳлаймиз. Бундай ҳолатда бизга MATLABнинг фойдаланувчи интерфейсини ҳосил қилиш қобилияти ёрдам беради.

MATLAB тизимининг фойдаланувчи интерфейси GUI (Graphic User Interface) орқали фойдаланувчи интерфейсини ҳосил қилишимиз мумкин. Буни квадрат функциянинг графикни чизиш орқали кўрсатиб берамиз.

График интерфейсини ҳосил қилиш учун MATLAB тизимини ишга тушираемиз ва буйруқлар сатрига қуйидаги буйруқни киритамиз:


```
>> guide
```

Натижада қуйидаги ойна ҳосил бўлади:



Ҳосил бўлган мулоқот ойнасида Blank GUI (Default) бандини танлаймиз ва OK тугмасини босамиз, натижада қуйидаги ойна ҳосил бўлади:

Лойихани олдиндан Kvadrat_funksiya.fig номи билан сақлаймиз. Сўнгра, ойнанинг ихтиёрий жойида сичқончанинг чап тугмасини икки марта кетма-кет босамиз, натижада Property Inspector панели ҳосил бўлади, бу панел орқали ойнанинг хусусиятлари ўзгартирилиши мумкин. Ҳа панелдан биз ойнанинг Name параметри қийматини "Kvadrat_funksiya"дан "Квадрат функциянинг графиги"га ўзгартираемиз



(чунки лойиханинг номи Name параметрга ҳам кўчади). Бу қиймат ойнанинг сарлавҳаси ҳисобланади. Бундан ташқари, ойна ўлчамини ҳам катталаштириш лозим. Бунинг учун, ойна остида жойлашган шахматсимон объектнинг қуйи ўнг бурчагини сичқонча билан ушлаб, кераклича ташқарига ва паства тортиш етарлидир. Энди, ойнага функция параметр-

MATLAB SIMULINK


MATLAB ТИЗИМИДА

фойдаланувчи интерфейсини ҳосил қилиш

ларини киритиш учун дарча ўрнатамиз. Бунинг учун асбоблар панелидан Edit text объектини танлаймиз ва майдонга ўзимиз хоҳлаган ўлчовда жойлаштирамиз. Бу объектдан яна иккитани жойлаштирамиз. Edit text объектнинг Property Inspector панелига киритамиз ва мос равишда ҳар бир Edit Text объектнинг Tag параметрига kirit1, kirit2, kirit3 қийматларини берамиз. Бу қийматлар объектнинг дастур кодлари учун қўлланиладиган номи ҳисобланади.

Энди, биз ҳар бир киритиш дарчаси олдида киритиш дарчаси ҳақида изох жойлаштирамиз. Буни биз асбоблар панелидаги Static Text асбоби орқали амалга оширамиз. Isoхлар ҳар бирини String параметрига ўрнатамиз. Сўнгра дарчаларни ва уларга мос изохларни ягона контейнерга бирлаштирамиз. Контейнер вазифасини асбоблар панелидаги Panel асбоби бажаради. Panel асбобининг Title параметрига "параметрлар" қийматини берамиз. Ойнанинг юқори қисмига эса Static Text объекти ёрдамида графикнинг номини "Квадрат функциянинг графиги" деб киритамиз. Matn шрифтининг оиласи FontName, ўлчами FontSize, шакли эса FontWeight параметрлар орқали ўзгартирилади.

Оқоридаги амалларни бажаргандан сўнг интерфейс қуйидаги кўринишга келади:



Энди биз, квадрат функция параметрларини ўқиб олиш учун, унинг мантқий қисмини тузамиз. Бунинг учун иш майдонида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, ундан Editor бандини танлаймиз. Натижада, фойдаланувчи интерфейсининг дастурий коди ҳосил бўлади. Биз ушбу коднинг тугаган жойидан, маълумотни ўқиб олишимиз учун зарур бўлган функцияни яратамиз:

```
function malumot_oqish(handles)
global a b c
a=str2double(get(handles.kirit1, 'String'));
b=str2double(get(handles.kirit2, 'String'));
c=str2double(get(handles.kirit3, 'String'));
```

Бу ерда malumot_oqish — функциянинг номи бўлиб, handles — унинг аргументидир. Кириш аргументи сифатида handles танланишининг сабаби шундаки, handles бу биз қўлайдиган форма элементлари (тугмача, радио тугмача, узиб-улагич, байроқча, киритиш дарчаси ва х.к.)лар сифтининг номидир. Биз маълумотни handles синфи туркумига кирувчи


дарча объектлардан ўқиб оламиз, шу боис бу объектлар биз учун бошланғич маълумот (аргумент) вазифасини бажаради. Global a b c ўзгарувчиларни глобал тавсифлаш бўлиб, бунга сабаб биз бу ўзгарувчиларни графикани чизишда бошқа жойда ҳам қўллашимиздир. Get функцияси бирор объект параметрининг қийматини ўзлаштириб олиш учун қўлланилади. Яъни, get(handles.kirit1, 'String') ифода handles синфига кирувчи kirit1 объектнинг String параметри қийматини ўзлаштириб олади. Бу эса биз kirit1 объектига киритган қийматга мос келади. Str2double функцияси эса ўқиб олинган String тоифали қийматни сон қийматига айлантиради ва а ўзгарувчига беради.

Энди, графикани чизиш учун ойнага координата текислигини ҳамда уни бошқариш учун тугмача жойлаштирамиз. Координата текислигини асбоблар панелидаги Axes тугмаси орқали жойлаймиз. Тугмачани эса Push Button асбоби ёрдамида Push Button объектнинг String қийматига Chizish қийматини, Tag параметрига эса Yasash қийматини берамиз. Тугмачага графиканинг яшаш буйруғини юклаш учун унинг устида сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз ва ундан View Callbacks ' Callback буйруқлар кетма-кетлигини танлаймиз. Бу кетма-кетлик, Чизиш тугмачасини сичқончанинг чап тугмаси билан босганда бажарилиши лозим бўлган функцияни очади. Биз функцияни ичига ўзимиз истаган кодни ёзамиз:

```
function Yasash_Callback(hObject, eventdata, handles)
```

```
global a b c
malumot_oqish(handles)
x=-10:0.01:10;
y=a*x.^2+b*x+c;
plot(x,y)
```

Функциянинг қисқача изохини берамиз: биз х ўзгарувчига — 10 сонидан 10 сонигача 0,01 кадам билан ўсиб борувчи сонларни массив сифатида ўзлаштирамиз, у ўзгарувчисига эса ҳар бир х га мос квадрат функциянинг қийматларини ўзлаштирамиз. plot(x,y) функция асосида эса х ўқининг қийматлари х массивнинг қийматларига, у ўқининг қийматлари у массивнинг қийматларига тенг бўлган графика ҳосил бўлади:



Ойбек АЛИЕВ,
TATU Урганч филиали талабаси

Одам-энциклопедия

Голландиядаги кутубхоналардан бири янги хизмат — керакли маълумотлар олишлари учун ўз ўқувчиларига турли инсонлар билан жонли мулоқотни тавсия қилиш билан ўзига хос тавсифланади.

Агар сиз Голландиянинг Алмело шаҳридаги кутубхоналардан бирига кириб,

қайсидир халқнинг санъат ва маданиятига тааллуқли китоб сўрасангиз ва сизга адабиёт ўрнига тирик одамни ижарага олишни тавсия қилишса, ҳеч ажабланманг.

Муассаса директори Жан Крол ўз ассистенти ўртага ташлаган ушбу ажойиб роияни ҳаётга татбиқ қилганига кўп бўлгани

йўқ. Гап шундаки, ҳодим бирор бир халқнинг маданиятига қизиққан ўқувчиларга ёрдам бериш учун турли миллат вакиллари билан жонли мулоқот қилишни ташкил этиш орқали одамлар билим савиясини янада мустаҳкамлашни мақсад қилиб олди.

Масалан, мусулмонлар одоб-ахлоқи ва одатлари ҳақида кўпроқ билиш истагидаги хоҳлаган одам белгиланган ҳақни

QIZIQLI FAKTLAR

тўлаш орқали "тирик энциклопедия"ни ижарага олиши ва ундаги ўзи қизиққан маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Айни дамда кутубхонада ўз ётадошлари турмуш тарзи ҳақида ўқувчиларга бежонивид сўзлаб беришга тайёр бўлган турли миллатта мансуб ўн нафар ҳодим ишламоқда.

Шухратжон Кўрғоновлар оиласи Ўзбекистон тумани Бачкир қишлоғидаги энг обрўли хонадонлардан бири саналади. Шухратжон қишлоқдаги 10-умумтаълим мактабда қаҳриққача ёшларни тайёрлаш фанидан дарс беради. Ўттиз йилдан ошиқроқ меҳнат фаолияти мобайнида ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаб келмоқда. Замирахон эса сал кам йигирма йилни, почта алоқаси соҳасида ибрат кўрсатиб меҳнат қилаётганларнинг олдинги сафларида борапти.

"Бизнинг Замира опамиз Бачкир алоқа бўлимини бошқаради. Хар жабҳада барчага намуна. Опамиз билан хар канча фахрлансак арзийди", — деди

одамлар. Хар истагимни юракдан тинглаб, юракдан жавоб қилишади. Ажаб, бу одамларни менга худонинг меҳрибончилиги, оҳимнинг Аллоҳга етгани десам, улар эса менга бизга Аллоҳнинг бир ҳадяси деб қарашарди. Хар тугул менга шундай туюларди.

Шундай қилиб, энг муборак хазинага — оила муҳаббати неъматига етишим. Камимни тўлдиришди, билганларимни оширишди. Етимлик азоблари нима — унутилди-кетди. Устixonларимни ёриб, етмиш томирим тортилиб, болажонимни қўлларимга олгандаги қувончимнинг чеки-чегараси йўқ эди. Оналикдек улуг мартабага етиштирганга яккаш шукр, минг шукр дердим.

Энг муборак қўшиқлар — инга-

тез-тез дуо қилиб турардилар.

Чиндан ҳам фарзандлар роҳатини кўраётганимиз уларнинг дуолари шарофатидир. Дамирахон тиббиёт коллежини тугаллаб, туман марказий шифонасида ишлади. Қизим маҳалладан ошмади. Куёвимиз Алхамжон қўли гул хунарманд, темир устаси. Ҳозирда қизим иккинчи неварам парвариришида. Аммо маҳаллага хизмат қилиб толмайди. Катталар "Қўли енгил хамшира" деб алкашганида бир қоп семираман. Муроджон ҳам хунарманд. Қиска муддатларда дурдгорликни миридан сирингача билиб олди. Иши пухта, гапи бутун. Келини ҳам маҳалладан олдик. Қаримахоннинг нозик қадди-басти, хилм-хилм табиати, майингина овози ўзимга жуда ёқимли. Сарвиноз, Сумайя, Ка-

Термиз шахрининг "Алпомиш" хиёбонидаги дам олиш масканларидан бирига "Нуроний" деб ном қўйилган. Мовий қўл бўйида жойлашган ва водийлик уста-хунармандлар бунёд этган бу чойхонага турли соҳа фахрийлари навбатма-навбат жамланиб туришади.

Дийдорлашув

Бахорнинг серфайз кунларида очиб қўйилган эшик остонасига бу гал Сурхондарё вилоятни алоқа соҳаси фахрийлари кадам қўйишди. Улар амалдаги Мустаҳкам оила йили муносабати билан ташкил этилган "Уч авлод учрашуви" тараидаги дийдорлашувдан бениҳоя хурсанд бўлишди. Ўз навбатида, тадбир ташкилотчиси — "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали жамоасига катта миннатдорлик билдиришди.

— Мен, аминманки, барчаларингиз Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини сўзма-сўз ўқиб чиққансиз, — деди Олимжон Эшоннов. — Эътибор қилган бўлсангиз, китобда "Бағри кенг, ҳалол-пок, виждонли, меҳр-оқибатли, элюртингн гаму ташвиши билан яшайдиган кишилар жамятда кадр-киммат, ҳурмат-эътибор топади" дейилган. Адашмасам, бизнинг учрашувимиз ушбу муборак ва пурмаъно сўзни, шубҳасиз, исботлаб турибди.

"Нуроний"да бўлган бир пиёда чой устидаги суҳбатда меҳнат фахрийларидан — бандихонлик Эшонкул Нурманов, бойсуник Музаффар Рахмонов, шерободлик Рўзихон Чориева, музработлик Сафар Ташбоев, қумқўрғонлик Абдулла Авазов ва бошқалар издошларига ўз ҳаёт-фаолияти, мустаҳкам оилани шакллантиришдаги тажрибалари хақида сўзлашди.

Тадбир сўнгида "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали раҳбари Гаффор Бердиев соҳа фахрийларига кимматли мулоҳазалари ҳамда фойдали маслаҳатлари учун раҳмат айтди ва филиал жамоасининг эсдалик совғаларини топширди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Дуолар кўрғони — нажот кўрғони

Янгиқўрғон почта алоқаси тармоғи раҳбари Равшанбек Қамбаров. — Оиласига ҳам хамма ҳавас қилади".

Замирахон хикоясини онаси билан бўлган сўнги суҳбатдан бошлади:

— Етимликда ўсдим. Ниқтаб, кеса-тиб сўзлагувчилардан безиллаган қизалоқлик пайтим эди. Эртаю кеч рўзгор юмушларига қўмилган бўлсам-да биров миннатдор бўлмасди. Ширин сўзнинг гадоси эдим. Ер юзини очганининг бахти очилади, деганларини эшитди қолдим суғур-сидирга илгартирдан ҳам кўпроқ вақт ажратадиган бўлдим. Сахар-мардонларда нафақат ўзимизнинг, балки ён қўшиларининг ҳам кўча томонларига гача сув селиб, супуриб чиқаман. Буни кўриб ўтган кетганлар минг ўргулиб, минг айлиниб дуолар қилишарди. Шундай оний соняларда кўнглим бузилиб, кўз ёшларимни тўхтата олмасдим. Ариқчада оқабган муздеқкина сувда юзларимни чаярканман, сассиз-содосиз тўйиб-тўйиб йиғлаб олардим. Қайноқсина ёшларим сувга қўшилиб оқаркан, Яратгандан ўзимга бахту иқбол тилардим. Бахт ўзи нима — билавермасдим, албатта. Бахт деганлари сени севгучи, кадрлагувчи, ширин сўзли, хушсурат одамлар орасида яшаш бўлса керак деб ўйлардим. Улуг олимлар, ёзувчию шоирлар бахтни жуда бошқача таърифлашса бордир. Мен эса бахт дея хушрўй, хушқалом инсонларга интилдим.

Фурсат етиб, сал ақлим кириб қолганда совчилар келадиган бўлди.

Нўмонжон ниҳоятда оқил, меҳнаткаш йигит экан. Совчилар "Етимгинани ўқсинтириб қўймаймиз, бошини силаймиз, ўз боламаздай бағримизда туп солиб, палак отади, униб ўсади", дейишди.

Рўзгор бамисоли бошдан охир нозик иш экан. Олдинига бир оз қийналсам-да бу илқ-иссиқ хонадонда инсонлик бахти не эканлигини англадим. Ўзим ҳавас қилгандай атрофимда сўзларимни жон қулоғи билан тинглайдиган

ингаю алла-аллалар янграганда уйимиз тўйхонага айлиниб кетарди. Тўрт ўғил, тўрт қизни парваришлаб, воёта етказиш, солих инсонлар қилиб қаторга қўшишдек ёқимли ташвишлар билан андармон умр дарёси оқиб кетганини сезмай ҳам қолибмиз...

Замирахон хикоясининг шу жойига етганда оғир тин олди. Томоғига келган йиғини ичига ютиб, давом этди:

— Шундай бир-бирларига муҳаббатли оилада ўсганимиз учунми, айниқса, мен бошқачароқ эдим, назаримда. Биз севишганларни унаштиришганда шундай бахтиёр эдимки, асти қўяверасиз. Бамисоли канотим бор — учиб юрибман денг. Отажоним завки келади. Отажоним ҳам хушқоллига ёнига чорлайди: — Қани, ўтир бу ерга. Сен қишлоқнинг олди оиласига тушсан. Қудам Ўқтамжон эл кўзидаги устоз. Кароматой исми жисмига мос — кароматгўй, дуоғўй мўъмина. Куёв бола олий маълумотли ўқитувчи. Қисқаси, зиёли оила, қомил инсонларга келин эмас, киз бўлиб ол. Бунинг учун қандай бўлмоғинг кераклигига ақлинг етади-а!

— Жиччагина етади. Етмаганини бу буважонимдан ва у аяжонимдан ўрганиб оламан. — Сўнг қўшиб қўяман. — Қўлим қосов, сочим супурги бўлади!

— Уларга муносиб бўл, — дейди отам менинг эркаликларимга парво қилмай. — Ортик оша хурсанд дамларингда қибрланма, хафагазак пайтларда ўзингни йўқотиб қўйма. Гапингни ҳам, уй ишларини қасбингни бехатою чиройли қилсанг, марра сеники бўлаверади.

Ха, ота-онандан олтиндан киммат сўзлари қоларкан. Уларнинг Муроджон билан Дамирахонга берган ўғитлари менга ҳам ёд бўлиб кетган. Ўша насихатлар, ўша дақиқалар кегағидай ёдимда. Бари кинотасмасидай кўз ўнгимдан ўтаверади-ўтаверади... Отажоним "Фалончи сиз Замирахоннинг буvasи Донохон хожи онамисиз? Нўмонжон хожи ота яхшими?" дея роса дуо қилди, болам, бўйим бир қарич ўсди, Раҳмат. Болаларингнинг хузурини кўр", дея



молаҳонлар ҳаётимизда топган энг бебаҳо бойликларимиз. Уларга бокиб тўймайсиз, еру қўкка ишонмайсиз.

Инсон тақдирига нима битилганини билмас экан. Қаранг, отам оғриб қолганларида Фарғонадан энг сўнги нусхадаги аппаратларини олиб, катта дўхтирлар келишди. Барчамизни текширишди. Фақат онажонимда ҳеч қандай касаллик аниқланмади. Отамнинг қаршилигига қарамай харчанд даволатмайлик нафи бўлмади. Боқий дунёга сафар қилдилар. Қирк кун ичида онажоним озиб, қичкина бўлиб қолдилар.

— Исмингиз жисмингизга монанд Доно, донишманд онажоним-а, чевара тўйларини кўрай денг — зорланаман. — Улар бўлса маҳзунгина жилмайганча "Қўй, қуйинма, болажоним, дадангга ваъда берган жойим бор. Мен борай..." дедилар. 66 кун деганда офтобжаҳоним онажонимдан ҳам жудо бўлдик.

— Ота-онангизга раҳмат! Мингта киришин!

Кечагина мени шундай дуо қилишганда алланечук ғалати бўлиб кетдим. Қани тирик бўлишса экан! Хар кун айлиниб-ўргулиб дуоларини олсам! Улар истаган фазлу камолларга эришдимми, йўқми билсам, хар кун кўнгиларини обод қилиб хушнуд бўлсам қани!..

Кейин иттифоқо отамнинг овози янграгандек бўлди: "Савоб ишлар қилиб, бевако бечораларга меҳр-муруват кўрсатиб дуолар кўрғонида яшанглар. Эсингизда сакланглар: сизлар олган дуолар бизларнинг амал дафтарларимизга ҳам ёзилади..."

Отамнинг бу пурмаъно сўзларини эртароқ эслаганимда эди ғам-андуҳлардан ўзимни йўқотиб қўймасдим. Излаганим савоб, излаганим эзгу иш бўларди. Ҳаммага ҳам мен каби дуолар кўрғонида умргузаронлик қилиш насиб этсин, дейман.

Хафиза САЛЯХОВА
ёзиб олди

Феруза Хитойдан қайтди...


Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлимига тадбиркор аёл Феруза Холмираева раҳбарлик қилмоқда.

Яқинда у Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон янги технологиялари ярмаркасида қатнашиб қайтди. Ферузахон фақат Халқаро кўргазманинг иштирокчисига айланиб қолмади, балки тасвирий тарғиботнинг муҳим воситалари ҳисобланган — баннер, буклет, плакат ва фотосуратлардаги босма ишларнинг юқори сифатли бўлишига хизмат қиладиган янги технологияни ҳам олиб қайтди.

Жамоа аъзолари бундай замонавийлаштиришлар сабаб яхши натижаларга эришиб келмоқда. Ўтган йили Термиз шаҳрида бўлган "Баркамол авлод-2011" спорт ўйинлари республика финали босқичи мусобақалари учун зарур тасвирий тарғибот воситалари маҳаллий шароитда мукамал ва ўз

вақтида тайёрланди. Натижада шаҳарнинг Ат-Термизий, Алишер Навоий ва Файзулла Хўжаев кўчалари "Баркамол авлод" спорт ўйинлари лавҳалари асосида бадиий безатилди. Бунда Хитойдан келтирилган янги "А3" форматдаги рақамли лазерли босма ускунасида кенг фойдаланилгани катта аҳамият касб этди.

Қарийб беш ой бўлмоқдаки, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлими ходимлари амалдаги Мустаҳкам оила йили ташвишлари билан банд. Улар юртимиз жанубида истикомат қиладиган хар томонлама намунали ва жамиятимизга муносиб оилаларни, айниқса, Президентининг фармонлари билан Ватанимизнинг юксак мукофотлари, унвонларига сазовор бўлган фидойи замондошларимиз сиймосини тасвирий тарғибот-ташвиқот воситалари орқали кенг акс эттиришга ҳаркат қилишмоқда. Айни пайтда ижодий уюшманинг "Мустаҳкам оила — жами-



ят пойдевори" номли тасвиялар рисоласи маҳалла ва хонадонларга етказиб берилди.

Умуман олганда, тадбиркор аёл Феруза Холмираева бошлиқ ахил жамоа муваффақиятларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни билиниб турибди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг
Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Тақдимот

ТАТУ Самарқанд филиали Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда Мустаҳкам оила йилига бағишланган тақдимот кечасини ўтказди. Унда АКМ маънавият ва маърифат бўлими мудири Ш.Эшонқулов, АКМ директори Ш.Аҳмедова, илмий-услубият бўлими бош кутубхоначиси З.Шарапованинг маърузалари тингланди.

Маърузачилар АКМнинг бугунги фаолиятига доир мултимедияни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш ос-

тонасида" асарини, Мустаҳкам оила йилига бағишланган нашр этилган "Оила аҳиллиги унинг мустаҳкамлигидадир" мултимедиясини тақдимот этишди.

Тадбир сўнггида АКМ томонидан ТАТУ Самарқанд филиали қошидаги АРМ раҳбари М.Раҳимқуловага совға тариқасида саккиз номдаги китоблар ҳамда 10га яқин CD дисклардаги мултимедиялар топширилди.

М.КУЛОВА,
АКМ илмий-услубият
бўлими мудири

Саёҳат

Мустаҳкам оила йили муносабати билан 2012 йил 20 май куни Навоий вилояти алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил қилинди. "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиаллари, Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Кармана ва Қонимех туман алоқа ходимларининг 50 нафари Самарқандни зиёрат қилиб келишди. Саёҳат Имом ал-Бухорий макбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Шундан сўнг Регистон мажмуаси ва Гўри Амир макбараси билан танишиб, кизикарли таассуротларга эга бўлди, аждодларимиз онгу тафаккурига таъзим қилдик.

М.ҒАФУРОВА,
Қодирий номидаги ахборот-кутубхона маркази
қасаба уюшмаси кўмитаси раиси

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Олимжон МАХМУДОВни 60 ёши, Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Дадақўзи БОТИРОВни 55 баҳори билан чин дилдан табриклайди. Уларга соғомонлик, узок умр, фарзандлар камолини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Япония почта алоқаси тармоғи ходими Абдусаттор КОМИЛЧАЕВни 55-баҳори, Ринтон почта алоқаси тармоғи ходими Ҳамрали ПИРМАТОВни 50-баҳори билан самимий табриклайди. Уларга энг яхши тилақларни йўллайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиал жамоаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси филиалнинг иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи Марҳаматпошша УМАРОВАни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини кўриб юришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали ҳамда қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари обуна бўлими етакчи мутахассиси Ширинжон ЖУМАНИЯЗОВАни 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриқлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

Тошкент вилояти алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси ҳамда Қибрай почта алоқаси тармоғи жамоаси фахрий алоқачи Анара АҚРОМОВАни таваллуд куни билан табриклайди.



— Мерос қолдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумот берсангиз?

Турғуной ҲУРОЛОВА
Жиззах вилояти, Бахмал тумани

Яна мерос ҳақида...

Кейинги пайтда юртоқларимизнинг бу хилдаги саволлар билан нотариусларга мурожаатлари сезиларли кўпайди. Бу аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишга интилиши ва ҳуқуқий саводхонлиги ошаётганидан далолатдир. Мустақил республикамизда мамлакатимизнинг демократик янгиланиши бугунги босқичида энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Маълумки, меросни расмийлаштириш тартиби, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг бешинчи бўлими — "Ворислик ҳуқуқи" билан тартибга солинади. Ушбу бўлим ўз ичига 4та 60б ва 45та моддани камраб олган.

Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёхуд бутун мероснинг миқдорини белгиланма, шунингдек, Фуқаролик кодексига белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлиmidан кейин ҳам беқор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига қиради.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган

ҳуқуқ ва мажбуриятлар:

- юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

- ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун тоvon ундириш ҳуқуқи;
- алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

- меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

- мулкый ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкый ҳуқуқлар мерос таркибига қирмайди. Мерос қолдирувчининг тегишли бўлган шахсий номулкый ҳуқуқлари ва бошқа номоддий бойликлари меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатлари тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, тузилганлиги ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларидан қўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгилловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Давлат нотариуси меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани

беришда қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади:

1) Мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома.

2) Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар.

3) Мерос қолдирувчига тегишли бўлган мерос мулкларининг ҳужжатлари.

4) Мерос қолдирувчининг доимий рўйхатда туриб яшаган манзилдан маълумотнома.

5) Уй дафтарчаси ёки 17-форма.

6) Мурожаат қилган фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати, яъни паспорт, шунингдек, иш жараёнида бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиши мумкин.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Шахло КҲЧИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек
тумани 1-Давлат нотариал
идораси нотариуси

Оилавий спортчилар

Бухоро вилояти

Маълумки, "Овчилар ва қуёнлар", "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз!" ҳамда "Аркон тортиш" ўзига хос баҳслар юртимизда авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ ўйинлари ҳисобланади. Хеч шубҳасиз, "Чаққонлик ва мерганлик", "Тезлик" ва "Элчиллик" сингари спорт мусобақаларининг ҳам ўз иштирокчилари ва ғолиблари бор. Бухородаги 23-сонли умумтаълим мактабининг спорт залида "Соғлом оила — жамият таянчи" шiori остида алоқачи оилалар ўртасида ўтказилган мусобақалар давомида айнан шу жиҳат кўзга яққол ташланди.

Ўзига хос беллашувлар якунига кўра, ўғил болали оилалар ўртасида "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали 5-боғламаси АТБ бошлиғи Абдор Мухаммедов оиласи биринчи, Бухоро радиотелевидение узатиш маркази механиги Шерали Саидов оиласи иккинчи, "Матбуот таркатувчи" шўба корхонаси Қорақўл филиали бошлиғи Зоҳид Раҳмонов оиласи

учинчи ўринни эгаллади.

Қиз болали оилалар ўртасидаги спорт баҳслари эса қуйидагича якунланди. Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси кўриклаш хизмати ходими Содик Раҳимов оиласи аъзоларига фахрли биринчи ўрин берилди. "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали 5-боғламаси линия-кабеллар цехи муҳандиси Жамшид Розиков оиласига 2-ўрин насиб этди. 3-ўридан эса "Матбуот таркатувчи" шўба корхонаси Пешку филиали бошлиғи Зоҳид Файзиев оиласи аъзолари жой олдилар.

Мусобақалар якуни бўйича фахрли биринчи ўринни олган оилалар "Соғлом оила — жамият таянчи" оилавий мусобақаларнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Барча ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

Тошкент вилояти



Тошкент ахборот технологиялари университетининг Бўстонлик туманида жойлашган дам олиш масканида "Соғлом оила — жамият таянчи" оилавий мусобақалари ва "Ош фестивали"нинг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

Тадбирда Олмалик, Ғазалкент, Паркент, Чирчик, Қибрай, Янгийўл, Дўстобод, Янгибозор, Пискент туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари ва телекоммуникациялар боғламалари, вилоят бошкармалари жамоалари қатнашди.

17 май куни старт берилган оилавий спартакиада мусобақаларида қатнашчилар югуриш, сакраш, чаққонлик, мерганлик ботида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Қиз фарзандли оилалар ўртасида Шахло Қўзиева оиласи (Олмалик

ТБ) биринчи ўринни, иккинчи ва учинчи ўринларни Гулия Алменова (Ғазалкент ТБ) ва Гулчехра Мамажоновна (Янгийўл ТБ) оилалари эгаллашди.

Ўғил фарзандли оилалар ўртасидаги беллашувларда Ғазалкент почта алоқаси тармоғи вакили Гулшан Икромова оиласи фахрли биринчи ўринга кўтарилди. Паркент почта алоқаси тармоғи шарафини химоя қилган Акмал Пиримов оиласи иккинчи, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали вакили — Гулмира Икромова оиласи учинчи ўринга сазовор бўлишди.

"Ош фестивали" тадбирга янада файз олиб кирди. Қозон-ўчоқларга ўт ёқилиб, ошпазлар беллашишга тушиб кетишди. Якуний натижалар эса қуйидагича:

1-ўрин. Имомали Исабоев ва Жумабой Бўтаев (Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси)

2-ўрин. Жалолддин Раҳмонкулов ва Бахтиёр Рустамов (Пискент почта алоқаси тармоғи)

3-ўрин. Улуғбек Холбеков ва Ф.Назарқулов (Олмалик телекоммуникациялар боғламаси).

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Болалар учун ҳам алоҳида совғалар тақдим этилди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири



Бухоро вилоят "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамияти "Очиқ танлов" савдоларига таклиф этади

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-қарори ва Ромитан туман ҳокимининг 2012 йил 8 майдаги 688-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Ромитан туман Бовитуркон ҚФЙ Марзия маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан автомобилларга сикилкон (метан) газ қуйиш шахобчаси биноси қуриш учун 0,7 гектардан иборат 1 (битта) ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда. **Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 2 096 679 сўм.**

Талабгорлар диққатига!

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ромитан туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган шахарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шахарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартнома асосида мажбуриятларни 1 йил муддат ичида бажариши шарт.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун (якшанбадан ташқари) олдин тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар танлов ташкилотчиси — "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар "Ипотека банк"нинг Сардор филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ромитан туман ҳокимлиги биносига 2012 йил 25 июн куни соат 11.00да очилади, 2012 йил 25 июн куни соат 16.00да маъмур ҳокимлик биносига танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ўқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 25 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 2,9,16,23 июл кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ромитан туман ҳокимлиги биносига савдо куни соат 11.00да очилади ва шу куни соат 16.00да маъмур ҳокимлик биносига танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шпончнома;
 - жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шпончнома;
 - танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
 - танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.
- Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиниши мумкин:
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри,
Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: 8 (365) 223-69-62.
Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0048

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

<p>"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қоракалпоғистон филиали Беруний почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ ходими Рустам ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.</p>	<p>"Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти жамоаси Қашқадарь филиали бўлими бошлиғи Солиҳ ҲАФИЗОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>"Ўзбектелеком" АК "Бош Коммутиатсия Маркази" филиали жамоаси филиал ҳуқуқшуноси Дилшод Усмоновга қизи Дилдора ТЎХТИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.</p>	<p>"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарь филиали ҳамда "Ўзбектелеком" АК Қашқадарь филиали жамоалари фахрий алоқа ходими Солиҳ ҲАФИЗОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига таъзия изхор қилади.</p>
<p>Фарғона вилояти "Матбуот таркатувчи" шўба корхонаси жамоаси алоқа соҳаси фахрийси Холматжон хожи АЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия билдиради.</p>	

К ишлоғимизда шахмат деса ўзини томдан ташлайдиганлар, шахмат тахтаси ёнида мукка тушиб суткалаб дона сурадиганлар кўп. Айниқса, ўйинни бой бериб кўйганга кийин. Рақибга неча бор ялиниб, уни қайта ўйинга кўндириб, яна омади келмаганга бунданда овир.

Неча йиллар бош ҳисобчи бўлиб ишлаган, бугун эса нафақадаги Омон аканинг идорага келиши унинг шогирдлари учун ҳамisha байрам. Устоз-шогирдлар соатлаб дона суришади. Ўртада каттик "жанг". Устозлиги шогирдлик, катталиги кичикликни аяш йўқ. Аммо шогирдлар кўп ҳолларда устоз олдида мулзам бўлишади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Аввалига ўйинда анча устун бўлиб турган шогирднинг тили чикиб қолди. У тағдор гаплари билан устози жиғига тега бошлади. Омон акада эса тажриба катта. Йиллар мобайнида шахмат ўйинида пиёда ни пишди кетган. Шу боис етти ўлчаб, бир кесади, босиклик билан дона суради.

Омон аканинг марказдаги пиёда ни бир йўлгина олға суришидан шахмат тахтасидаги вазият буткул ўзгарди. Ҳовлиқма шогирдга сичқоннинг уяси минг танга бўлиб қолди. Сўнг ундан омад бутунлай



юз ўғирди. Иккинчи, учинчи ва кейинги партияларда ҳам аҳвол шундай давом этаверди.

Асабийлашган шогирд каттик ўйда. Аммо ўйлаган сари ўйига етолмайди. Кўз ўнгиди шахмат доналари чирпирак бўлиб кетаверади.

Шу пайт ёнларида "Ассалому алайкум" деган дўридоқ овоз эшитилди. Кўпни кўрган Омон ака

жойидан оҳиста жилиб, нотаниш меҳмон билан қўл бериб сўрашди. Шогирд эса шахмат доналаридан кўз узмаган ҳолда "Салом, Шоҳ!" дея ўрнидан сакраб турди.

Атрофда гурр этиб кулги кўтарилди. Қарангки, меҳмон вилоятдан келган тафтишчи экан.

Ў.САТТОРОВ,
Жом алоқа бўлими бошлиғи



SHIFOKOR MASLAHATI

Ўткир диарея

Ўткир юқумли ичак касаллиқ- (ЎЮИК)лари айнан баҳор ва ёзда учрайдиган касалликлардан биридир. Бу касалликка ичбуруғ, ич терлама, салмонеллез кабилар кирди.

Касалликни кўзгатувчи микроблар одам организмга оғиз бўшлиғидан ифлосланган қўл, қайнатилмаган сув, ювилмаган ҳўл мевалар, хашаротлар, ифлос сувда чўмилиш орқали юкади.

Касалликнинг асосий белгилари

Касалланган одамда иштаха йўқолади, кўнгил айниди, қайт қилиш кузатилади. 4-5 маҳал ич кетиб, холсизланиш кучаяди, харорат кўтарилди.

Уларни билган захоти шифокорга мурожаат қилиш лозим. Бу борада биз шифокорларга ҳам катта масъулият юклатилган. Ҳар бир тиббий ходим уйма-уй юриб, ЎЮИКга гумон қилинганларни тезкорлик билан аниқлайди. Беморга поликлиникада ташкил этилган орал регидратация хонасида биринчи ёрдам кўрсатилиб, регидрон совуқлиги билан 4-6 соат давомида даволанади. Ва натижа ижобий бўлсагина, беморга уйга рухсат берилди.

Ҳар қандай касалликни даволадан кўра олдини олиш осонроқдир. Шунинг учун чикиндиларни аҳоли тураржойидан узоқроққа ташлаш, пашшаларга қарши курашиш, сув хавзаларни ифлосланишдан сақлаш керак.

Ёш оналарга маслаҳатлар

Бир ёшга бўлган болаларни соғлом ўстириш, кўпроқ тоза хавода бўлиб, чиниктириш, тўғри овқатлантириш зарур. Ҳўл мева ва сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин чайни зарур.

Қўлни тез-тез, айниқса, овқатланишдан олдин ва хожатдан чиққандан кейин совун билан ювиш ичак касалликларига қарши курашда катта аҳамиятга эга.

Беморларда касалликнинг биринчи аломатлари пайдо бўлган захоти маҳалла шифокорига мурожаат қилинса, касаллик овир кечишининг олди олинади.

Л.АЛИЕВА,

Юнусобод туманидаги
55-оилавий поликлиника
юқумли касалликлар шифокори

БАҲОРГИ НИҚОБЛАР

Бир дона тухум сариғи ва 1 ошқошиқ глицеринни аралаштиринг. Ниқобни 10-15 дақиқага юзингизга суртинг, кейин илик сув билан чайинг.

Бир ошқошиқ унга яримта тухум сариғи ва 1 чойқошиқ асал кўшиб аралаштиринг. Ниқобни 10-15 дақиқага юзингизга суртинг. Пахтани илик сувда намлантириб, ниқобни артинг.

Бир ошқошиқ твороғни 1 чойқошиқ қаймоқ, бир чимдим туз билан аралаштиринг. Ниқобни 15-20 дақиқага юзингизга суртиб, сўнгра илик сув билан ювинг.

Юзингиздаги курукликни кетказиш учун лосйон тайёрланг: 2 ошқошиқдан лиёз шарбати ва спирт, ярим стакан қаймоқ, 1 дона тухум сариғи, 2 ошқошиқ ва 1 дона лимон шарбатини аралаштириб шишага солиб қўйинг. Лосйонни юзингизга суртганингиздан 30 дақиқа ўтгач, илик сув билан ювинг.



Латифа

МЕНДА АҚЛ НИМА ҚИЛСИН?

Харидор касобга деди:

— Бир кило гўшт тортиб юборинг.

— Ҳўп бўлади, отахон, — дея қасбоярмидан кўпига суякли гўшт тортиб, пакетга сола бошлади. Буни кўриб, харидорнинг жаҳли чикиб кетди:

— Қалла борми ўзи сизда?
— Отахон, қаллам бор, берайми?

— Э... мия борми, мия?
— Униям топамиз. Қанча керак?

— Ақл, фаросат борми?
— Ие, қизқимисиз, ота! Менда ақл нима қилсин.

АНА, ЛИФТ КЕЛЯПТИ

Уч нафар маст темир йўл шаллари узра одим ташламоқда. Биттаси:

— Зивалар жуда баланд экан-а? Иккинчиси:

— Суянчикларини қара, мунча паст-а?

Учинчиси:
— Хечқиси йўқ укалар, ана лифт ҳам келяпти.

"Xabar" газетасида
реклама ва эълонлар қабул қилинади

Тел.: 288-40-72, 288-40-69

E-mail: info@xabar.uz

Xabar МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАҲМУДОВ, Шомансур АБИДХОДЖАЕВ, Суван НАЖИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).				МАНЗИЛИМИЗ: 100043, Тошкент, Бунёдор шохкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.								
	Тахририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.				Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмоғжон ЙҮЛДОШЕВ.								
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.	Газета ҳафтаининг жума куни чиқади	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.	Г-552 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16503 нусха.	ISSN 2010-6424 Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.									
Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Намангонда 232-97-86	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99